


**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХАЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНІ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**Биотехнология
йұналиши**

TOSHKENT
KIMYO-TEKNOLOGIYA
INSTITUTI

**«МУҚОБИЛ ЭКОБИОТЕХНОЛОГИЯ»
модули бүйича**

ҮҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

БИОТЕХНОЛОГИЯ
йўналиши

«МУҚОБИЛ ЭКОБИОТЕХНОЛОГИЯ»
модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ - 2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

Н.А.Хўжамшукуров - Тошкент кимё-технология институти «Биотехнология» кафедраси профессори, биология фанлари доктори, профессор.

Тақризчи:

А.А.Сакович - Белоруссия давлат технология университети, (Белоруссия Республикаси), т.ф.н., доцент

С.Н. Пишов - Белоруссия давлат технология университети, (Белоруссия Республикаси), т.ф.н., доцент

Иичи ўқув дастури Тошкент кимё-технология институти Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги 4 - сонли қарори билан нашрға

тавсия қилинганды

МУНДАРИЖА

1.ИШЧИ ДАСТУР.....	4
2.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ...	
3. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ...	
4.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР...	
5. КЕЙСЛАР БАНКИ ...	
6. ГЛОССАРИЙ	
7. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	
8. МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ	

I.Ишчи дастур

Кириш

Ишчи дастур ривожланган мамлакатлардаги хорижий тажрибалар асосида “Биотехнология” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастур мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Ишчи дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳдил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали атроф муҳитни муҳофаза қилиш, унинг мониторинги. Ишлаб чиқаришдаги иккиласми ва қолдиқ маҳсулотлар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг инновацион технологиялари. Маҳаллий корхоналар қошида ташкил этилган биогаз ишлаб чиқариш, қўёш батареяларига асосланган энергия олиш. Иссиқлик тизимлари билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш, майший ва қаттиқ чиқиндиларни утилизация қилиш. Халқ хўжалиги учун зарур бўлган иккиласми маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инновацион ёндашувларнинг амалий жиҳатлари. Атроф муҳитни соғломлаштиришда муқобил экобиотехнологиялардан амалий фойдаланиш имкониятлари.

Модулнинг асосий мақсади ва вазифалари:

Модулни ўқитишидан мақсад- Замонавий экобиотехнология фанини ўргатишдан мақсад экологик муҳитни яхшилаш, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари, аҳоли яшаш пунктларидан чиқаётган ишлаб чиқариш, майший ва қаттиқ чиқиндиларни утилизация қилиш ва улардан халқ хўжалиги учун зарур бўлган иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича тингловчиларга тўлақонли назарий ва амалий билимлар беришдан иборат.

Модулнинг вазифаси - экобиотехнология фани асосларини биосферани ҳимоя қилиш ва соғломлаштиришда биотехнологиядан амалий фойдаланиш мумкинлигини асослаб бериш.

Модул якунида тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

«Муқобил экобиотехнологиялар» фани бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- дунё миқёсидаги экологик вазият ҳамда биосферани ҳимоя қилиш ва соғломлаштиришда биотехнологиянинг роли;
- ишлаб чиқаришга жорий этиш, эксплуатациядаги ўзига хосликлар ҳамда микробиологик жараёнларда токсинлик ва чегараланиш;
- қаттиқ қолдиқлар турлари ва хусусиятлари; ахлатхоналардаги қолдиқларни қайта ишлаш;
- тоғ-металургия саноати қолдиқлардан фойдаланиш имкониятлари;
- қишлоқ хўжалигига биотехнологик алтернативлар ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**
- экобиотехнология фани асосларини; биосферани ҳимоя қилиш ва соғломлаштиришда биотехнологиянинг роли;
- оқова сувларни биологик тозалаш, лойиҳалаш мезонлари ҳамда оқава сувларни анаэроб жараёнларда тозалаш;

- гидролитик, гетероацетон ва метаноген бактериялар ҳамда ил ликвидацияси; сульфидли минераллар экстракциясида иштирок этувчи микроорганизмларни;
- *ин ситу* ҳолатида рудаларнинг бактериал экстракцияси, пробиотиклар ва пробиотикларнинг қўлланишни;
- силос солинадиган қўшимчалардаги суткислоталар бактериялар ролини;
- микробиологик қўшимчаларга қўйиладиган талабларни ҳамда қишлоқ хўжалик қолдиқларини қайта ишлашни ***билиши***;
- оқова сувларни аэроб жараёнларида тозалаш; гомоген, биоплёнкали реакторлар;
- даслабки тозалаш, оқава сувларни анаэроб жараёнларда тозалаш; кинетик тузилишлар;
- токсин ингибирланиши, токсинга адаптация, токсинларнинг реакцияга таъсири ҳамда токсинлик хусусиятининг камайтирилиши;
- бижғиш жараёнлари учун ишлаб чиқариш ускуналари: септиктенклар, аралаш типли реакторлар, биомассани флокул асосида бижғитиш ускуналари, анаэроб биофильтрлар, қуйи қатламли стационар реакторлар; кенг қатламли ва бошқа турдаги реакторлар; фаол ил ва уни қайта ишлашни;
- пастеризация; иссиқлик билан ишлов бериш ҳамда термофия бижғитиш, радиацион ишлов беришни;
- лактобациллаларнинг пробиотик фаоллик механизми; Ластобасиллус асосидаги пробиотиклар ишлаб чиқариш;
- чорвачилик қолдиқ маҳсулотлари тавсифи, гўнглардан биогаз олиш имконияти, биогаз ёрдамида электроэнергия олиш, ўсимлик қолдиқларида биоёқилғи олиш ҳамда енгил саноат ва гўшт маҳсулотлари тайёрлаш корхоналари иккиламчи маҳсулотларидан озуқавий маҳсулотлар олиш;
- қоғоз ишлаб чиқариш ва ёғочсозлик корхоналари чиқиндилари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулот олиш;
- шаҳар майший ва қаттиқ чиқиндилари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш;

- қишлоқ хўжалигига органик чиқиндилар биоконверсияси бўйича кўнилмаларга эга бўлиши керак.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Муқобил экобиотехнологиялар” фани қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини “Биотехнология” мутахассислиги бўйича киритилган “Ген муҳандислиги ва нанобиотехнология” ва “Амалий микроббиотехнология” фани билан узлуксиз боғлиқ бўлиб, ушбу фанларни ўзлаштиришда назарий асос бўлиб хизматқилади.

“Муқобил экобиотехнологиялар” фанини тўлиқ ўзлаштиришда ва амалий вазифаларни бажаришда “Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” ҳамда “Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуслари” фанлари ёрдам беради.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

“Муқобил экобиотехнологиялар” фани қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини “Биотехнология” мутахассислиги бўйича маҳсус фанлардан дарс берувчи профессор ўқитувчилар учун муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу фан Олий таълим муассасаларида талаба ва педагоглар томонидан ўқув-илмий ишларини олиб бориш учун асосий назарий ва амалий билимларни беради.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Ўқув юкламаси , соат				Мустакил
			Назарий машгулот	Амалий машгулот	Кўчма машгулот		
1.	Кириш. Дунё ва мамлакатимизда миқёсида экологик муаммолар, Замонавий экобиотехнология ва унинг янги ривожланаётган соҳалари ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари	4	2	2			
2.	Экологик биотехнология ва унинг янги ривожланаётган соҳалари ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари	8	2	4	2		
3.	Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қолдик маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш	8	2	4	2		
4.	Тупроқ экологияси ва уни тозалаш ва тиклаш биотехнологиялари. Шаҳар майший ва қаттиқ чиқиндилари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш. Табиий энергия манбалари ва улардан фойдаланиш	6	2	4			
	Хаммаси	26	8	14	4		

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Кириш. Дунё ва мамлакатимизда миқёсида экологик муаммолар; Замонавий экобиотехнология ва унинг янги ривожланаётган соҳалари ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари

Рейтинг тизими тўғрисида. Фаннинг мақсад ва вазифалари. Кириш. Дунё ҳамжамияти ва мамлакатимиз миқёсида экологик муаммолар ва экологик стандартлар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қолдик маҳсулотлари, озиқ-

овқат, кимёвий ишлаб чиқариш, енгил саноат ва қайта ишлаш корхоналари чиқиндилари утилизацияси ва улардан иккиламчи хомашёлар олиш бўйича замонавий экобиотехнология имкониятлари, назария ва амалиёт.

2-мавзу: Экологик биотехнология ва унинг янги ривожланаётган соҳалари ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари

Экологик биотехнологиянинг янги ривожланаётган соҳалари; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қолдиқ маҳсулотлари. Озиқ-овқат, кимёвий ишлаб чиқариш; енгил саноат ва қайта ишлаш корхоналари чиқиндилари утилизатсияси ва улардан иккиламчи хом ашёлар олиш бўйича экобиотехнологик имкониятлар.

3-мавзу: Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизатсияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш

Ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш; консерваланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш. Алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизатсияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.

4-мавзу: Тупроқ экологияси ва уни тозалаш ва тиклаш биотехнологиялари. Шаҳар майший ва қаттиқ чиқиндилари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш. Табиий энергия манбалари ва улардан фойдаланиш

Тупроқнинг экологик ҳолати. Оғир органик бирикмалар билан заарланиши; нефть ва нефть маҳсулотлари билан заарланиш, кимёвий моддалар ва пестицидлар билан заарланиш; утилизация, қайта тиклаш, биоремидация.

Оқова сувларнинг физик-кимёвий хусуситлари, аралашмалар; Ил. Илнинг физик кимёвий хусусиятлари, бойитиш йўллари ва ундан фойдаланиш имкониятлари; Шаҳар майший оқова сувларни аэроб шароитларда тозалаш; Шаҳар майший оқова сувларни анаэроб шароитларда тозалаш.

Қуёш энергияси, биомассалар, шамол, дарё ва денгиз тўлқинлари.

IV.АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Экологик биотехнологиянинг янги ривожлананаётган соҳалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари хақида

Экологик биотехнологиясининг энг ривожланган ва ривожлананаётган йўналишлари бўйича назарий билимлар. Дунё амалиётида амалга оширилаётган экологик биотехнологиянинг илмий ютуқлари. Муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Ишлаб чиқаришдаги иккиламчи ва қолдиқ маҳсулотлар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг инновацион технологиялари.

2-амалий машғулот: Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва окова сувларни тозалаш

Алькоголли ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш. Консерваланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.

Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш. Ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.

3-амалий машғулот: Қишлоқ хўжалик қолдиқ маҳсулотларини қайта ишлаш орқали биогаз олиш

Қишлоқ хўжалик қолдиқ маҳсулотларини қайта ишлаш орқали биогаз олиш (қишлоқ хўжалик ҳайвонлари гўнги асосида). Халқ хўжалиги учун зарур бўлган иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инновацион ёндашувларнинг амалий жиҳатлари. Атроф муҳитни согломлаштиришда муқобил экобиотехнологиялардан амалий фойдаланиш имкониятлари.

4-амалий машғулот: Қишлоқ хўжалик қолдиқ маҳсулотларини қайта ишлаш орқали биогумус тайёрлаш (барг, хазон, шох-шаббалар асосида).

Шаҳар миший ва қаттиқ чиқиндилари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш

Қишлоқ хўжалик қолдиқ маҳсулотларини қайта ишлаш орқали биогумус тайёрлаш (барг, хазон, шох-шаббалар асосида). атроф муҳитни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш табиий ресурсларидан оқилона ҳамда комплекс тарзда фойдаланиш. Шаҳар миший ва қаттиқ чиқиндиларини утилизация қилиш орқали иккиламчи маҳсулотлар олиш.

5-амалий машғулот

Тупроқ таркибидаги микроорганизмлар сонини аниқлаш

Тупроқ таркибидаги микроорганизмлар таҳлили. Уларнинг сонини аниқлаш ҳисоби. Микроскоп, микропипетка, тупроқ, соат ойналари, фенолда эритилган эритрозин бўёғи (карбол кислотаси), окуляр микрометр.

6-амалий машғулот

Азотсиз органик бирималарнинг микроорганизмлар томонидан ўзлаштирилиши

Микроорганизмларнинг фойдали ва фойдасиз турларининг классификацияси. Фойдасиз микроорганизмларнинг ҳаёт процессини ўрганиш ҳамда уларга қарши кураш чоралари.

7-амалий машғулот

Спиртли бижгиш ва бу жараёни қўзғатувчи тирик организмлар

Спиртли бижгиш жараёнининг бориши, зарур техник лаборатория талаблари. Ушбу жараёнда иштирок этувчи қўзғатувчи тирик организмлар таҳлили.

КЎЧМА МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

Модул бўйича мустақил ишлар “Бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари” соҳаси бўйича қисқа назарий маълумотлар ҳамда таълим муассасасида ҳозирги вақтда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида

маълумот келтирилиши зарур. Модул доирасидаги мустақил таълим мавзулари портфолио топшириқлари кўринишида тингловчиларга тақдим этилади ва бажарилади.

1-машғулот:

Табиий энергия манбалари ва улардан фойдаланиш

Қуёш энергияси, биомассалар, шамол, дарё ва денгиз тўлқинлари хақида назарий маълумотлар ва уларни амалиётда тадбиқ этиш.

2-машғулот:

Сув ўтларидан фойдаланиш биотехнологиялари.

Сув ўтларидан оқова сувларни тозалашда фойдаланиш. Сув ўтларидан озиқ-овқат саноатида фойдаланиш.

Сув ўтларидан фармацевтикада фойдаланиш. Сув ўтларидан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига куйидагиларни қамраб олади: Ким (Wхо), Қачон (Wхен), Қаерда (Wхере), Нима учун (Wхй), Қандай/ Қанақа (Хow), Нима-натижа (Wҳат).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none">✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);✓ ахборотни умумлаштириш;✓ ахборот таҳлили;✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none">✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. ДНК ни рестрикцион эндонуклеазалар билан кесиш усули ишлаб чиқилди. Ўсимликдан ДНК ажратиб олинди ва рестриктазалар билан ишлов берилди. Лекин электрофорезда текширилганда ДНК умуман йўқ бўлиб кетганлиги аниқланди яъни хатолик келиб чиқди. Ишлаб чиқилган усул ишламади.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурухда).
- ДНКни рестрикция қилиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф

- фикрингизни баён этинг

С

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

М

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

У

- фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.



Тест

ДНК-полимераза қандай функцияни бажаради?

- A). ДНКни гидролизловчи фермент.
- B). Полинуклеотидларни гидролизловчи фермент.
- C). Турли хил ДНКни



Қиёсий таҳлил

- ДНК ва РНКнинг фарқини таҳлил қилинг



Тушунча таҳлили

- ДНК қисқармасини изоҳланг...



Амалий қўникма

- Ўсимлик хужайраларига генларни киритишга мисол келтиринг

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билmlарни ўзлаштиришини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида

тайёрлайди;

- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга куйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-мавзу. Кириш. Дунё ҳамжамияти ва мамлакатимиз миқёсида экологик муаммолар ва экологик стандартлар

Муқобил экобиотехнология фани ва амалий биотехнология биологик билимлар, кимё, геокимё, экология, тупроқшунослик, гидробиология, микробиология, биохимия ва физиология, популясион генетика, мухандислик-технологиясини тартиблаш каби бир неча соҳалар билан таққосланганда фаннинг янги йўналиши ҳисобланади.

Муқобил экобиотехнология фани бугунги кундаги энг янги фан тармоғи бўлиб, у ўз олдига бир қанча вазифаларни қўяди.

Муқобил экобиотехнологиянинг энг муҳим йўналишларидан бири

атроф-мухитни муҳофаза қилиш асосида тирик организмлар ва тизимларини чиқиндларини қайта ишлаш, табиий муҳитни техноген ифлосланишлардан тозалаш, тупроқни қайта тиклаш, қишлоқ хўжалигида инсон ютуқларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги йўналишида кимёвий препаратлар ўрнини экологик тоза биологик йўриқномалар билан алмаштириш, “екологик дўстлик” полимерларини, ПАВ ва бошқа фойдали хоссаларга эга материал ва бирикмаларни олиш ва модификатсиялаш, шунингдек, биокоррозия дан олдини олишдан иборат.

Барчамизга маълумки, инсоният ривожланишининг дастлабки босқичларида у табиатдан қандай бўлса, шундайлигича фойдаланган, онгнинг ривожланиши натижасида табиатга таъсир орта борган. Натижада табиатнинг энг олий маҳсули бўлган одамзот олдида бир қанча муаммолар кўндаланг бўлиб қолди. Бу муаммоларнинг сабабларини ҳал этиш, ўзига хос эчимини топишда назария билан биргаликда амалий ишларнинг роли муҳимdir.

Муқобил экобиотехнология фанинг асосий обьектлари қаторига кирувчи анаъанавий жараёнлар билан алоқадорликда биологик йўллар билан органик чиқиндиларни қайта ишлаш (компост ва бошқалар тайёрлаш), газланган ҳавони, ифлосланган тупроқни ва шунингдек шўр сувларни тозаловчи янги усулларни ишлаб чиқиш энг муҳим долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ифлосланган табиий муҳит - тупроқ қисмлари ва гурунтларни биотехнологик усул билан токсик чиқиндилардан заарсизлантириш ва тозалаш каби вазифаларни бажаришда талабалар нафақат назарий балки, амалий билимларга ҳам эга бўлишлари талаб этилади.

Дунё ҳамжамиятида экологик муаммолар. Екологик биотехнология фани ва амалий биотехнология биологик билимлар, кимё, геокимё, экология, тупроқшунослик, гидробиология, микробиология, биохимия ва физиология, популясион генетика, муҳандислик-технологиясини тартиблаш каби бир неча соҳалар билан таққосланганда фаннинг янги йўналиши ҳисобланади.

Екологик биотехнологиянинг энг муҳим йўналишларидан бири атроф-мухитни муҳофаза қилиш асосида тирик организмлар ва тизимларини

чиқиндларини қайта ишлаш, табий мұхитни техноген ифлосланишлардан тозалаш, тупроқни қайта тиклаш, қишлоқ хұжалигіда инсон ютуқларидан фойдаланиш, мазкур соңа йұналишидаги кимёвий препараттар үрнини экологик тоза биологик йүрикномалар билан алмаштириш, “екологик дүстлик” полимерларини, ПАВ ва бошқа фойдали хоссаларга эга материал ва бирикмаларни олиш ва модификациялаш, шунингдек, биокоррозияни олдини олишдан иборат.

Екологик биотехнология анаъанавий жараёнлар билан алоқадорликда биологик йўллар билан оқава сувларини тозалаш, органик чиқиндиларни қайта ишлаш (компост ва бошқалар тайёрлаш), газланган ҳавони, ифлосланган тупроқни ва шунингдек шўр сувларни тозаловчи янги усулларни ишлаб чиқади.

Ифлосланган табий мұхит - тупроқ қисмлари ва гурунтларни биотехнологик усул билан токсик чиқиндилардан заарасизлантириш ва тозалаш биореметсиатсия деб аталади.

ХХI асрда инсоният олдин ўзи ҳис қилмаган масъулият, келажак олдидағи жавобгарлықни қаттиқроқ қўймоқда. Зеро, илмий-техник инқилоб ва ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланиш асрида ўзаро боқлиқ ва бир-бируни тақазо этувчи демографик, энергетик, озиқ-овқат ва экологик муаммолар бугун кескинлиги ва маҳобати билан кўндаланг бўлмоқда. Инсониятнинг табиатга таъсирининг борган сари ўсиб кучайиб бориши, техник ва биологик соңа (мухит)лар ўртасидаги зиддият (низо)нинг чуқурлашишида ижтимоий, маънавий, моддий муаммоларни ҳал қилишда борган сари сезиларли тўсик бўлиб бораётган экологик вазиятнинг кескинлашга⁻¹ нининг оқибатидир. Янги минг йиллик бўсағасидан ўтаётган инсон ва табиат ўртасидаги низо ҳамон кескинлашиб бормоқда.

Сайёрамизда инсон фаолиятининг натижаси сифатида анча сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда: иқлим ўзгаришлари ернинг барча кенгликларида сезилмоқда, ўрмон билан қопланган майдонлар қисқармоқда, атмосфера, сув ва литосфера ифлосланяпти, ўсимлик ва ҳайвонларнинг қўпгина турлари ўйқолиб боряпти. Ҳар йили ер қаърида 100 миллиард тонна фойдали

қазилмалар ва табиий газ, 2 миллиард тонна күмир қазиб олинмоқда. Далаларга 92 миллион тонна маъданли ўғит ва 2 миллион тонна захарли химикатлар сепиляпти. Атмосфера ҳавосига 200 миллион тонна углерод оксиidi, 50 миллион тонна углеводород, 146 миллион тонна олtingugurt диоксиidi, 53 миллион тонна азот оксиidi, 250 миллион тонна чанг чиқариляпти. Сув ҳавзаларида 32 миллиард куб метр тозаланмаган сув ташлаб юборилади. Дунё океанига ҳар йили 10 миллион тонна нефт оқиб тушади. Ҳар йили 6-7 миллион гектардаги тупроқ, зироатчилик учун яроқсиз ҳолга келмоқда. Бир йил давомида дунёда 20 миллион гектарга яқин ери қумли сахролар эгаллаб олмоқда, чучук сув эса сайёрамизда шу даражада кам қолганки, сайёрамиздаги ҳар 100 литр сувдан 97 литрини шўр сув ташкил қиласди².

Инсон ўз хаёти ва фаолияти давомида атроф муҳитга узоқни ўйламай қилган муносабати туфайли биосфера учун кўз кўриб қулоқ эшитмаган миқёсда катта ва кутилмаган салбий ўзгаришлар, хатоларни юзага келтирди.

Атмосферанинг азот оксидлари ва олtingugurt диоксиidi билан ифлосланиши натижаси бўлган кислота ёмғирлари Европа мамлакатларининг иқтисодиётига зарар етказмоқда. Фақат бир йилдагина етказилган зарар Фарбий Германия ўрмон хўжалиги учун 0,2, шу мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги учун 0,5 миллиард доллардан 2,7 миллиард долларгача бўлган суммани ташкил қиласди.

Бир йил давомида дунёда 20 миллион гектарга яқин ери қумли сахролар эгаллаб олмоқда, чучук сув эса сайёрамизда шу даражада кам қолганки, сайёрамиздаги ҳар 100 литр сувдан 97 литрини шўр сув ташкил қиласди.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида Орол денгизининг инқирози минтақавий муаммолардан глобал экологик муаммога айланди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов шуни таъкидлаган эдикӣ, “...агар Орол муаммосини бартараф этиш учун чоралар кўрилмас экан, у Марказий Осиёнигина эмас Европанинг ҳам, сал ўтмай бутун эр юзининг атмосферасини бузувчи умуминсоний фожиага айланиши мумкин». 1992 йили Орол денгизи минтақаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Екологик ҳалокат худуди» деб эълон қилинди.

Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра бугунги кунда ҳамма хасталикларнинг 80 фоизи экологик муаммоларнинг натижасидир. Масалан Россиядаги касалликларнинг 80 фоизи ифлосланган ҳаво туфайлидир. Мутахассисларнинг ҳисоблашларича ифлосланган ҳаво туфайли кўрилган зарап (у беморни даволашга кетган харажатлар, йўқотилган иш вақти ва муддатидан олдин содир бўлган ўлим ҳоллари туфайли кўрилган заарлар қийматларининг йифиндисидан ташкил топади) Ғарбий Германияда 1,1 миллиард евродан, 2,7 миллиард еврогача, Франсияда эса 1,2 миллиард еврони ташкил этади. Жамият ва табиат ўртасидаги муносабатлардаги гармониянинг бузилиш жараёни дунёнинг ҳамма мамлакатларида кузатилмоқда. Унинг инсониятни яшаш шароитларига ва ривожланишига салбий таъсири экологик муаммони глобал масалалар тоифасига киритди. Шуниси ҳам борки, бу глобаллик фақат унинг миқёсинигина ўз ичига олмай, балки сивилизациямизнинг мавжуд бўлишининг туб асосларига ҳам таъсир қилувчи емирувчи кучларнинг миқёси ва қурдатини ҳам қамраб олади.

Инсон организми ўзгарувчи табиатга мослашишга қобил эмас. Шунинг учун ҳам тамаддун хасталиклари деб номланувчи юрак-қон томирлари, рухий-асаб, онкологик, аллергик касалликларнинг саноги борган сари ортиб бормоқда.

Одамда наслдан наслга ўтувчи 2500 турдаги касаллик топилиб тасдиқланган, ирсият (генетика) фанининг аниқлашича 4,5-5 фоизгача болалар авлоддан-авлодга ўтувчи жисмоний нуқсонлар билан туғилмоқдалар.

Мутагенез, инсон ирсияти ва биологияси билан шуғулланувчи олимларнинг фикрича, одамга биологик тур сифатида қирилиб кетиш хавф солиб турибди.

Жумладан, насл қолдириш қобилияти ўзгарган одамлар сони кўпаймоқда. Бунинг омиллари эса кўп бўлиб, радиатсион ва кимёвий омиллар шулар жумласидандир. Ҳолбуки, 1978 йилнинг августидаёқ, ХИВ Халқаро генетик Конгрессда олимлар “Одамда наслдан наслга ўтувчи 2500 турдаги касаллик топилиб тасдиқланган 4,5-5 фоизгача болалар авлоддан-авлодга ўтувчи жисмоний нуқсонлар билан туғилмоқдалар. 12 йилдан сўнг, 1990 йили

аниқланган ва тасдиқланган, авлоддан-авлодга ўтувчи касалликлар сезиларли даражада кўпаяди ва 4000 тага этади» деб таъкидлаган эдилар.

Инсон ўзи англаған ёки англамаган ҳолда ўсимликлар, ҳайвонларнинг маълум турларини нобуд қилас, гидросфера, литосфера, атмосферани ифлослантирад экан, Ернинг биологик мухити шаклланган бутун даври мобайнида вужудга келган ва шаклланган мувозанатга зарба беради. Экологик қобиқда пайдо бўлган бўшликлар эса албатта тўлдирилади. Лекин нима ва ким билан - буни олдиндан айтиш мушкул. Мувозанатнинг бузилиши, биологик мухит тизимидағи озгина оғишмажбурий равишда ҳамма даражадаги тизимларда акс этмай қолмайди. Занжир реаксияси қоидасига кўра бир қисмдаги сифат ўзгаришлари тўлқин бўлиб бошқаларидан ҳам ўтиб, уларга ҳам таъсир қиласи. Биомухитни эса йўқ қилиб бўлмайди. У ҳам тизим бўлиб, ҳар қандай тизим каби мувозанатга интилади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, биосферанинг айрим жойларида рўй бераётган сифат ўзгаришлари ва бу ўзгаришларнинг ўсуббориши “биомухитнинг янги мувозанат ҳолатига ўтишини келтириб чиқаради. Бу ҳолатда эса ушбу мухитда инсон учун жой қолмаслиги мумкин”. Вужудга келган экологик вазиятга хушёр ва холис баҳо бериш, экологик муаммоларни оптималь ҳал қилиш ечимларини, йўлларини излаш ва ишлаб чиқиш илмий дунёнинг диққат марказида турибди. Жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатларининг ҳозирги ҳолатига баҳо беришар экан, олимлар вазиятнинг ўзига хослигини таъкидлайдилар. Бу ўзига хосликнинг моҳияти шундаки, инсоният табиатга нисбатан тажовузкорлик муносабатлардан тўлароқ ва интенсив фойдаланишга ўтмоқда.

Бу жараёнда мухим ва ҳал қилувчи рол фанга тегишли эканлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас. У прогрессив тараққийпарвар кучларни ижтимоий ва маданий тараққиёт ўртасидаги зиддиятларнинг сабабларини ва моҳиятини тушунтириб берувчи назария билан қуроллантирибгина қолмай, халқлар ва давлатларнинг ҳақиқатдан ҳам юксак инсонпарварлик ғояларига, шунингдек сивилизатсиямизнинг тарихий ривожланиш йўлига мос келадиган, онгли ва мақсадли фаолиятларнинг асосий йўналишларини белгилаб, кўрсатиб беришга қодирдир. Лекин мана шундай интенсив йўлга ўтиш учун ҳали этарли

микдордаги билимлар тўпланган эмас. Экологик биотехнология фанини, экологик муаммоларни ўрганишда унинг назарияларини ривожлантириш амалий вазифаларни бажаришга ўтиш имконини беради.

Мамлакатимизмиқёсида экологик муаммолар ва экологик стандартлар.

70-Йилларнинг охири 80-йилларнинг бошларида илмий тафаккурда жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатларининг ижтимоий-маданий томонлари кескин намоён бўла бошлади. Ижтимоий феномен - экологик маданиятни яқиндан ва синчиклаб кўриб чиқиш зарурлиги ўз-ўзидан кўриниб қолди. Экологоматематик моделлаштириш, биомуҳит, ижтимоий муҳитни бошқариш тизими, экологик башорат килиш (прогнозлаш), экологик тоза, ёпиқ технологиялар ва техникани яратган олимлар (математиклар, биологлар, физиклар, муҳандислар) шундай сарҳадларга чиқдиларки, уни ўтмасдан инсоният сивилизатсиясининг келгусида тараққий этиши ҳақида ўйламаса ҳам бўлаверади. “Табиат-инсон-жамият” алоқалари занжирининг моҳиятини ташкил этувчи инсон, жамият ва маданият ана шу сарҳад ҳисобланади.

Ўз мазмунига кўра дадил, идеал бўлган экологик лойиҳалар, моделлар, ечимлар ўз ичига инсонни, унга азиз бўлган мавжуд қадриятлари маънавияти ва маданиятининг барча қирралари билан бирга киритаётгани йўқ. Табиатшунос ва техника соҳаси олимларининг чиқарган хулосалари ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий соҳа олимларининг олдига қўйган вазифаларининг моҳияти битта: умумий экологик кризис хавфи олдида фақат моддий-техник масалаларни ҳал қилишининг ўзи этарли эмас. Академик А.Д. Сахаров эса шуни таъкидлаган эдики, фақат эндиғина илмий-техник тараққиёт ўзининг ажойиб имкониятларини намоён қила бошлади. Аммо шундай улкан потенсиали бўлган билан “агар у инсониятнинг ижтимоий, маънавий, маданий ҳаётидаги фавқулотда чукур ўзгаришлар билан тўлдирилмас экан, баҳт келтирмайди. Одамларнинг маънавий ҳаёти улар фаоллигининг ички инпулсларини башорат қилиш энг қийин ишдир, аммо тамаддунимиз (сивилизатсиямиз)нинг ҳолати ҳам, қутқарилиши ҳам айнан шунга боғлиқдир”.

Демакўз-ўзидан абстраксия бўлмаган маданият Ердаги тамаддун

ҳаётининг бурилиш меҳанизмларидан бири ҳисобланади. Маданият шунинг ўзи билан ҳам мураккабки, у кўп ўлчамли, кўп қиррали бўлиб, конкрет кўринишларга эга. Шуниси ҳам борки, у биргина қирраси билан эмас, бир бутун қилиб олинган, бир неча қирраси билан, яъни иолифоник тарзда намоён бўлади. Экологик маданият маданиятнинг бошқа ҳамма қирраларини синтетик акс этган пастки тизим сифатида намоён бўлади, ижтимоий онгнинг ўзгариши, қадриятларга муносабатларни экологик юналишдаги маънавий маданиятнинг қайта кўриб чиқилиши, чуқур тушунган ҳолда сайёрамиз ҳаётига янгича қарашнинг шаклланиши узоқ давом этадиган ва қийин кечадиган жараёндир. Бу маънода экологик маданият муҳим ўрин тутади.

Ижтимоий онгнинг ўзгариши, қадриятларга муносабатларни экологик йўналишдаги маънавий маданиятнинг қайта кўриб чиқилиши, чуқур тушунган ҳолда сайёрамиз ҳаётига янгича қарашнинг шаклланиши узоқ давом этадиган ва қийин кечадиган жараёндир. Бу маънода экологик маданият муҳим ўрин тутади. Лекин ижтимоий ҳодиса сифатида у етарли даражада ўрганиб чиқилган эмас. Хусусан, экологик тарбия ва таълим экологик маданиятнинг узвий қисмларидан бири сифатида экологик онг, дунёқараш, халқ маданияти, унинг анъаналари ва қадриятлари, аҳлоқий меъёрлари ва бошқа фазилатларини шакллантирган муҳит билан чамбарчас боғлиқеканлиги ҳақидаги ҳолат эътибордан четда қолиб кетмоқда. Бундан ташқари экологик эҳтиёжлар жамиятнинг экологик қайта мослашишида ҳал қилувчи рол ўйнашига қарамай, бу ҳолат ҳам кам ўрганилган. Тарих шуни аниқ кўрсатадики, табиат билан ўзаро муносабатда инсон донишмандлигини ўзида мужассам этган халқ маданияти, маънавий мероснинг ўзига хос томонларининг йўқолиб кетаётганлиги кескин салбий оқибатларга олиб келмоқда. Бу аҳлоқнинг, маънавиятнинг тубанлашуви, инсоний идеаларнинг унутилиши ва бошқа ҳолатларда акс этмоқда.

Илмий тадқиқотларда, оммавий ахборот воситаларида экология бўйича амалга оширилаётган айрим дастурларда яхлит, маълум тизимга солинмаганлик, методологик асос (пойдевор)нинг йўқлиги кўриниб келмоқда. Бу фикрлашдаги чекланганлик, идора манфаатини кўзлаб иш юритишга

тубдан барҳам бериш имконини бермайди. Ижтимоий ҳодиса сифатида экологик маданиятнинг илмий-техник асосларини ишлаб чиқиш келажакда экологик хавф юқорида таъкидланганидек, бизнинг минтақамиздаги, шу жумладан Ўзбекистондаги “екологик ҳалокат”нинг олдини олиш бўйича фаол ҳаракатлар дастурини чуқурроқ ва кенгроқ тасаввур этиш имконини беради. Яъни мустакил давлатнинг ўз тараққиёт йўлининг бозор иқтисодиёти, демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жа-мияти орқали ўтишни танлаган шароитда бу масаланинг долзарблиги янада ошади.

Екологик маданиятнинг ижтимоий-фалсафий талқини (интерпретацияси) унинг ижтимоий-екологик муаммолари ҳал қилишдаги роли, ижтимоий билиш, ижтимоий амалиётдаги аҳамияти ушбу йўналишдаги танқидлар ва изланишларни келажакда давом эттиришни тақазо этади.

Мамлакатимизда экологик стандартлар.Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш борасида 2004 йил 27 январда Чиқиндилар хавфлилигини комплекс баҳолаш методикаси “Ўзбекистон Республикаси Раҳбарий ҳужжати” жорий этилган.

Ушбу ҳужжатга кўра

1. Кўлланиладиган соҳа

1.1 Мазкур меъёрий-услубий ҳужжат ҳисоблаш йўли билан чиқиндилар хавфлилик даражасини аниқлаш тартибини белгилайди.

1.2 Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ва унинг атроф мухит ва одамларга заарли таъсирини бартараф этишга қаратилган экологик назоратни таъминлашнинг меъёрий-услубий асосларини ривожлантириш мақсадида киритилди.

1.3 Мазкур меъёрий-услубий ҳужжат фаолияти чиқинди билан боғлиқюридик ва жисмоний шахслар, шунингдек чиқиндилар билан боғлиқ, назоратни амалга оширувчи давлат органлари учун мўлжалланган, булар:

- чиқиндиларни инвентаризатсиялаш ва паспортлаштиргишини ўтказиш;
- чиқиндиларнинг тунланиши ва уларнинг жойлаштириш лимити учун тўловларни баҳолаш;
- чиқиндиларнинг Давлат кадастрини шакллантириш;

- чиқиндилар билан боғлиқ ишларда давлат ҳисоби, назорати ва меъёрлашни амалга ошириш;
- чиқинди билан боғлиқ ишларда ҳисобот юритиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ табиатни ҳимоя қилиш иншоотларини лойиҳалаш;
- чиқинди билан боғлиқишиларда моддий зарар ёки авария ҳолатини баҳолаш;
- чегараларо транзит юкларни ташиш ва чиқиндиларни жойлаштириш учун рухсатнома беришда қўлланилади.

2. Меъёрий манбалар.

Мазкур раҳбарий хужжатда қуидаги меъёрий манбалардан фойдаланилди.

СанПиН ЎзР 0046-95 ишчи зонасидаги ҳавода заарли моддаларнинг РЕК (Рухсат этилган концентратсия) гигиеник меъёрлари.

СанПиН ЎзР 0055-96 Тупроқдаги экзоген заҳарли моддалар учун РЕК (Рухсат этилган концентратсия) ва ТРЕК (Таҳминий рухсат этилган концентратсия).

СанПиН ЎзР Захарлилиги ва хавфлилиги бўйича пеститсидларнинг гигиеник тавсифи.

СанПиН ЎзР 0026-94 Саноат чиқиндиларини инвентаризатсиялаш, тавсифлаш, тўплаш ва заарсизлантириш.

3. Хужжатда ишлатилган атамалар ва таърифлар.

Чиқинди моддаси - чиқиндининг хавфлилигини баҳолаш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини шакллантириши мумкин бўлган ҳар қандай таркибий қисм (масалан, кимёвий бирикмалар ёки бприкманинг асосий хусусиятларини сақлаб қолган унинг таркибий қисми).

Чиқинди моддасининг концентратсияси - чиқинди массаси бирлигидаги чиқиндининг таркибий қисми.

(Чиқиндининг (екологик) хавфлилиги - функционал бирликда бўлган ҳамда атроф муҳит ва одамларга салбий таъсир кўрсатувчи чиқинди хусусиятларини таърифлаб берадиган барча хавфли жиҳатлари йиғиндисини

ифода этувчи сифат демакдир.

Чиқинди таркибий қисмининг хавфлилик кўрсаткичи - чиқинди таркибий қисмининг атроф мұхит ва одамга таъсирини белгиловчи интеграл кўрсаткич.

Чиқиндининг хавфлилик даражаси - чиқиндининг хавфлилик кўрсаткичига мувоғиқ келадиган натурал сон кўринишида ифодаланган нисбий экологик хавфлилигига берилган таъриф.

Чиқинди таркибий қисми экологик хавфсизлигининг стандарт меъёри - чиқинди таркибий қисмининг энг юқори рухсат этилган концентратсияси. Бунда мазкур таркибий қисмнинг атроф мұхит ва одамга салбий таъсирини ҳисобга олмаслик ҳам мүмкін .

Ахборот таъминоти кўрсаткичи - чиқиндининг экологик хавфлилигини баҳолаш учун бошланғич ахборотнииг этарлилиги нуқтаи назаридан шаклланган тизимга берилган таъриф бўлиб, у кўрсаткичлар (меъёрий ҳужжатлар ва расмий маълумотларда мавжуд ахборотга оид кўрсаткичлар) тизимиға киритилган сонларни (тўлиқ) тизим учун кўрсаткнчлар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Аралашмалар қаттиқ (ёки суюқ) ва суюқ ҳолатдаги фаза (коллоид тизимлар, эмулсиялар ва ҳ.к.) лардан ҳосил бўлган чиқиндилардир.

4. Умумий қоидалар.

4.1. Чиқиндилар хавфлилик даражасини аниқлаш мезонининг қоидалари Ўзбекистан Республикаси худудида ҳосил бўлган барча турдаги чиқиндилар учун ўрнатилади, фақат радиактив ва юқумли заарли чиқинди хиллари бундан мустасно.

4.2. Мазкур методика ёниш-портлаш хавфли белгилар бўйича чиқиндиларни тавсифлаш, шунингдек улардан экологик хавфсиз ҳолда фойдаланишни (ўғит, йўлни қоплама сифатида фойдаланиш ва ҳ.к.) бекор қилмайди ва унинг ўрнини босмайди.

4.3. Чиқиндилар хавфлилик даражасини аниқлаш тартиби статистик моделга асослангаи бўлиб, чиқинди экологик хавфлилигига миқдори жиҳатдан баҳо бериш йўли билан унинг таркибиға кирадиган турли

моддаларнинг хавфли хоссалари бўйича жаҳон ва ватанимиз фанлари тўплаган тажрибавий маълумотларни ҳисобга олиш имконини беради.

4.4. Чиқиндиларнинг хавфлилик даражасини аниқлаш - уларнинг таркибий қисмларини атроф мухит ва одамга салбий таъсирининг интеграл шаклдаги турли хоссаларини эътиборга олиш ҳамда чиқиндилар хавфлилигини объектив баҳолаш имкониятини беради.

4.5. Чиқинди таркибини белгилаш, экологик хавфлилик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар олиш ёки унга аниқлик киритиш, чиқиндилар хавфлилик даражаси ҳисоб-китобини ўtkазиш ва аниқлаш табиатдан фойдаланувчилар томонидан мустақил ёки бошқа ташкилотларни жалб этиш орқали амалга оширилади.

4.6. Агар экологик хавфлилик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар бўлмаса, уларни белгиланган тартибда (аналитик усулда) олиш мумкин.

4.7. Чиқиндининг таркиби ва хоссалари туғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги бўйича жавобгарлик табиатдан фойдаланувчилар зиммасига юклатилади.

5. Умумий талаблар.

5.1. Чиқинди хавфлилиги даражасини белгилаш ҳисоб - китоби билан борлиқ, экологик хавфлилик кўрсаткичлари (екологик-токсикологик, санитария-гигиеник) бўйича тегишли тартибдаги тасдиқланган расмий маълумотлардан асосан хавфли кимёвий ва биологик моддаларга оид меъёрий хужжатлардан, шунингдек расмий равишда нашр этилган маълумотномалардан фойдаланиш лозим.

5.2. Чиқиндилар атроф мухитга таъсир даражасига қараб А иловасига мувофиқ атроф- мухит сифатининг пасайиб кетишига кўра хавфлилиknинг беш даражасига бўлинади.

5.3. Чиқиндиларнинг атроф мухитга хавфлилик даражаси, фойдаланилаётган хом ашё ва технологик жараённи ўзгартирмаслик шарти билан беш йилда бир марта аниқланади. Агар чиқиндилар таркибини ўзгаришишга олиб келадиган ишлаб чиқариш технологияси, хом ашё ёки бошқа ўзгаришлар юз берган бўлса, янги ҳосил бўлган чиқиндиларнинг

хавфилик даражасини белгилаш ва уни тасдиқлаш зарур.

6. Чиқиндининг экологик хавфли кўрсаткичлари тизимни шакллантириши.

6.1. Чиқиндилар хавфилик даражасини ҳисоби асосида чиқинди ҳар бир қисми учун шаклланадиган экологик хавфли кўрсаткичининг тартибга солинган йиғмасидан фойдаланишга асосланган модел туради.

6.2. Бундай метод билан чиқиндининг хавфли даражасига киритиш - экологик хавфли даражасида нормаланадиган хавфли таркибий қисмлар сонига асосланган унинг экологик хавфлилигининг ўртacha ўлчов кўрсаткичини ҳисоблаш билан белгиланади.

6.3. Чиқиндиларнинг сифат таркиби ва энг хавфли таркибий қисмлар рўйхати - кимёвий анализ ёрдамида, шунингдек бошланғич хом ашё хоссалари ва уни қайта ишлашнинг технологик жараёнларига оид маълумотлар бўйича ҳам аниқлаш мумкин.

6.4. Экологик кўрсаткичлар даражасини аниқлаш Б иловасида белгиланганчиқиндининг ҳар бир қисми учун хавфилик кўрсаткичи тизими асосида ўтказилади, аммо мазкур таркибий қисм учун у ёки бу кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар бўлиши шарт.

6.5. Ҳисоб-китоб учун қабул қилинган хавфлилик кўрсаткичининг ҳар бирига, унинг миқдори ёки сифатига боғлик равишда 1 дан 4 гача балл кўйилади.

6.6. Доимий кўрсаткич сифатида тизимда ахборот таъминотининг қўшимча кўрсаткичи киритилиши керак. Бу кўрсаткич экологик хавфиликнинг бошқа кўрсаткичлари билан бир қаторда чиқиндининг у ёки бу таркибий қисми учун кўрсаткичлар бўйича маълумотлар такчиллигига асосланган хавфни ҳисобга олади.

6.7. Манбада бир қанча қийматдаги ахборот мавжуд бўлганда экологик хавфли параметрлар учун (масалан, турли хилдаги ҳайвонлар учун ЛД 50) энг юқори хавфлилигига мувофиқ, миқдор танланади, яъни бунда ЛД 50 нинг энг кичик қиймати олинади.

Маълумотлар бўлмаган ҳолларда маъно жиҳатдан яқин кўрсаткичларни

кўллаш мумкин: масалан, ЛД₅₀ ўрнига худди шундай ксенобиотикаларни организмга, қорин пардасига киритишда олинган маълумотларга эга бўлиш шулар жумласига киради.

Агар РЕК мавжуд бўлмаса, ТХТД (тахминий хавфсиз таъсир даражаси), ТРД (такминий рухсат этилган даражада) ва вақтинчалик ҳисоб-китоб кўрсаткич (меъёрий)ни олиш мумкин.

7. Чиқиндини хавфлилик даражага киритиш тартиби.

7.1. Экологик хавфлилик кўрсаткичининг ўртача қиймати (X) ахборотлари мавжуд бўлган жами кўрсаткичлар йиғиндишишбу кўрсаткичлар сонига бўлинади. Тизимдаги кўрсаткичлар умумий сони тўла тизим учун ахборот таъминоти кўрсаткичларини ҳисобга олинганда 19 га teng бўлинади.

Назорат саволлари:

1. Күёш энергияси ва ундан фойдаланиш.
2. Биомассадан биогаз олиш усуллари.
3. Чиқиндилардан энергия олида фойдаланиш.
4. Қайта тикланувчи энергия манбалари.
5. Шамолдан энергия олиш ва ундан фойдаланиш.
6. Водород энергияси ва уни самарадорлиги
7. Ун маҳсулотлари тайёрлашда қўлланиладиган ачитқи турлари.
8. Ун маҳсулотлари тайёрлашда қолдиқ маҳсулотлар утилизатсияси.

Фойдаланиладиган адабиётлар :

1. Бернард Р.Глик, Жаск Ж. Пастернак Молесулар биотечнологий/ Вашингтон 2010. 1020 р
2. Артикова Р.М., Муродова С.С. Кишлоқ хўжалик биотехнологияси. Дарслик. Т.: Фан ва технология. 2010.- 276 б.
3. Мирхамида П. ва бош. Микробиология ва биотехнология асослари. Дарслик. Илм зиё. 2014й, -335 б.
4. Зикрояев А., Мирхамида П. Биологик кимё ва молекуляр биология. Дарслик. Т.: Тафаккур бўстони. 2013.-223б
5. Раҳматов Н.А., Махмудов Т.М., Мирзаев С. Биокимё. Дарслик-Т.: Таълим, 2009. -528б.
6. Бернард Р.Глик, Жаск Ж. Пастернак Молесулар биотечнологий - Вашингтон 2010. 1020 р.

7. Дениз Екинси “Биотехнологий” Сроатиа, 2015
8. Артикова Р.М., Муродова С.С. Қишлоқ хўжалик биотехнологияси. Дарслик. Т.: Фан ва технология. 2010.- 276 б.
9. Мирхамида П. ва бош. Микробиология ва биотехнология асослари. Дарслик. Илм зиё . 2014й, -335 б.
10. Мусаев Х.Н., Ахмедова Н.Х. Кимёвий микробиология. Дарслик. – Т. Фан ва технология. 2012.-428 б

2-мавзу. Екологик биотехнология ва унинг янги ривожланаётган соҳалари ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари

Режа:

1. Екологик биотехнологиянинг янги ривожланаётган соҳалари.
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қолдиқ маҳсулотлари.
3. Озиқ-овқат, кимёвий ишлаб чиқариш.
4. Енгил саноат ва қайта ишлаш корхоналари чиқиндилари утилизацияси ва улардан иккиламчи хом ашёлар олиш бўйича еко- биотехнологик имкониятлар.

Республикамиз мустақилликка еришган дастлабки йилларда марказлашган таъминотнинг барҳам топиши натижасида аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда анча қийинчилклар вужудга келди. Шу сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан буғдой, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, шакарнинг асосий қисмини четдан олиб келишга тўғри келди. Бундай холатда республика раҳбарияти ягона тўғри йўлни танлади: пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиб, ундан бўшаган суғориладиган майдонларда бошоқли дон екинлари етиштириш йўлга куйилди. Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳдсамлаш учун кенг миқёсли ва тизимли ишлар ташкил этилди. Пахта екин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш; қисқартирилган екин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги екинларини жойлаштириш, жумладан, картошка 8,1 минг гектар, сабзавот 27,2 минг гектар, интенсив боғ 5,9 минг гектар, токзор 2,9 минг гектар, озуқа екинлари - 10,9 минг гектар ва мойли екинлар - 4 минг гектарни ташкил қилган. Ушбу екин майдонларни ҳосили йиғиб олингандан кейин табиийки улардан қоладиган поя, қипиқ ва бошқа қолдиқ маҳсулотларни екин далаларни атроф муҳитга зарар етказмасдан тозалаш ва улардан иккиламчи маҳсулотлар

олиш талаб етилади.


Қишлоқ хўжалик қолдиқ маҳсулотлари - буғдой сомони, жўхори пояси, шоли қипиғи, писта савати ва бошқалар. Қолдиқ таркибида лигнин миқдори жуда паст бўлади; селлюлоза ва бошқа моносахаридли полимерлар 90% гача бўлиши мумкин. Ушбу қолдиқ маҳсулотлари тез сочиувчан бўлганлиги учун екин майдонларининг ўзида қайта ишлаш ва иккиламчи маҳсулот олиш учун кичик ишлаб чиқариш корхоналари қуриш мақсадга мувофиқдир.

Қолдиқ таркибида лигнин, селлюлоза ва бошқа моносахаридли полимерларни микроорганизлар иштирокида ҳалқ хўжалиги учун керакли маҳсулотларга айлантириш, экологик биотехнология фани олдидаги асосий муаммолардан бири саналади.


Лигнинни кимёвий тузилиши полифенолларнинг метокси-гуруҳи тутган бўлиб, микроорганизмлар ёрдамида мономерларга парчалаганда ароматик спиртларни ҳосиллари (кониферил, синап, *n*-кумар) олинади. Кониферил, синап, *n*-кумар спиртлар фармацевтика саноатида доривор воситалар тайёрлашда, озиқ овқат саноатида еса турли ҳид берувчи ароматизаторлар ишлаб чиқариш учун қўлланилади.

Лигнинни микроорганизмлар, яъни *Сонипхора путеана*, *Тричодерма вириде* ва бошқалар замбуруғлар ёрдамида гидролитик ферментатив парчаланади.

Лигнин молекуласининг ароматик қисми модели.




Лигнин мономери



Хужайра деворида селлюлозанинг полимерланиши, яъни мономерланиш сони турлича бўлади, жумладан пахта толасида биринчи қаватда 2-6 минг, иккинчи қавватида 13-14 минг, селлюлоза ҳосил бўлишда (полимерланиш *Acetobacter хилинум* иштирокида амалга ошади) 2-6 минг, ёғочлар учун 8-10 мингга тенг бўлади. Тажрибаларда аникланишича, селлюлозанинг максимал молекуляр массаси $6 \cdot 10^6$ ни ташкил етади.

Ўсимлик ҳужайра деворларидағи селлюлоза фибриллалари




Гемицеллюлоза – (ярим ҳужайрали) юқори молекуляр полисахаридлар ўз ичига катта гурухни бирлаштиради, ишқорий еритувчиларда яхши ерийди. Кўп микдорда гемицеллюлоза сомонда, уруғда, дарахтда, жўхори поясида ва бошқа шунга ўхшаш ўсимликларда учрайди.


Гемицеллюлоза моносахаридлар таркиби: глюкоза, галактоза, ксилоза, арабиноза, манноза, фруктозалардан иборат. Айrim гемицеллюлозалар урон кислота қолдигини сақлаган бўлади. Гемицеллюлозалар орасида гомополимерлар (глюкан, галактан) лар, ҳудди шунингдек гетерополимерлар (арабиноксилан, ксилоглюкан, фукогалактоманнан ва бошқалар) учрайди. Кўпгина гемицеллюлозаларни тузилиши доимий бир хилда бўлмай,

тармоқланган қисмлардан иборатдир. Бундай тузилишдаги хусусияти гемицеллюлозанинг селлюлозага нисбатан сувда яхши еришидан далолат беради. Гемицеллюлозанинг тармоқланганлиги ерувчанлигини оширади. Гемицеллюлозаларнинг юқори туркум ўсимликлардан енг кўп тарқалган турларига маннанлар, галактанлар, ксиланлар, глюканлар, ксилоглюканлар киради.

Ксиланлар самон таркибида 28 % гача бўлса, дарахтларнинг таркибида esa 25 % ни ташкил қиласди ва шу билан бирга ўсимлик толаларидан иборат бўлади. Ксиланларнинг тузилишининг асосий элементлари – тўғри ёки қисман тармоқланган полисахаридлар, C-1,4 атомлари кислороди орқали боғланган β -ксилопиранозалар қолдиқларидан иборат бўлади.



Ксиланнинг молекуляр тузилиши.



Пектинли бирикмларнинг тузилиш чизмаси.

Яшил ўсимлик массасидан чорва учун силос тайёрлаш орқали улардан микроорганизмлар ёрдамида оқсилга бой озиқа маҳсулотлари олинади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда деярли ҳар тўққиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, енг асосий микроэлемент ва витаминлар этишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда.

Дунё аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал етиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби екани, натижада атроф-

муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом етаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ер ости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли емаслиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал етишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар”дир.

“Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал етиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби екани, натижада атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом етаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ер ости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли емаслиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал етишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар”дир.

Шакар ишлаб чиқариш саноати қолдиқлари - меласса 50% гача сахароза тутади; ундан микробиологик синтези учун турли маҳсулотлар олишда кенг миқёсда ишлатилади.

Қуюлтирилган крахмал ишлаб чиқариш саноати қолдиқ маҳсулотлари – картошкадан крахмал олиш пайтида турпа ва ҳужайра шираси қолдиқ маҳсулотлар ҳосил бўлади. Турпанинг ҳужайра шираси таркибидаги оқсиллар, аминокислоталар, углеводлар, органик кислоталар, микроэлементлар, ферментлар, витаминалар – микроорганизмларни етиштириш учун қимматли озиқа муҳити ва чорва молларининг тўйимли озуқаси хисобланади.

Жўхори крахмали ишлаб чиқариш саноати қолдиқ маҳсулотлари – жўхори екстракти, буғлатиб қуритилган 45-50% қуруқ бирикмалар, озиқ-овқат ва микробиологик саноатида субстрат сифатида ишлатилади.

Спирт, виночилик ва пиво ишлаб чиқариш саноатининг қолдиқ

маҳсулотлари – спирт ҳайдалгандан кейинги бирламчи қоришмасида (барда) езилган дон-крахмали ҳосил бўлади, иккиламчи – озиқа ачитқисини этиширилгандан кейинги дон крахмал бардаси, узум езилгандан кейинги қолдиги (узум уруғи ва мева пўсти), пиво дробинаси, пиво ачитқиси чўкмаси ва бошқалар ҳисобланади.

Мева сабзавот ишлаб чиқаришда – мевалар, қујолтирилмаган ширалар, езилган қолдиқ ва бошқа қолдиқлар ҳосил бўлади.

Гўшт, паранда гўштини қайта ишлаш, балиқ саноати, тери ва жун саноати қолдиқ маҳсулотлари – оқсил ва ёғ сақловчи қолдиқлар, кератин сақловчи хом ашё, сувак уни, балиқ қилтансоқ уни ва бошқалар ҳисобланади.

Ёғ-мой саноати чиқиндилари – кунжара ва шротлар ҳосил бўлади.

Сут маҳсулотлари қолдиги – сут зардоби (творог, пишлок, оқсилсиз зардоб ултрафилтирати) ҳисобланиб, жаҳонда уни ишлаб чиқариш йилига 80 млн тоннани ташкил етади.


Сут зардоби субстрат сифатида 1 кг массага нисбатан 5 % гача юқори даражада лактоза сақлайди. Унинг таркибида органик кислоталар деярли 1 % гача, оқсиллар 1 % атрофида, микроелементлар, витаминалар учрайди. Зардобни ултрафилтрациялашда озиқа оқсили ажралади ва оқсилсиз ултрафилтрат олинади.

Озуқа маҳсулоти сифатида зардоб - озиқлантирувчи моддалар кам миқдорда бўлиб, таркибида локтаза миқдори оқсилган нисбатан кўп, сақланиш муддати кам бўлади. Оқво сувлардаги зардобни таркибидаги турли органик кислоталар билан ифлосланганда, уни тозалаш жуда қийин бўлади.

Ҳозирги пайтда сут зардебидан озиқа микробли оқсиллар галактоза (лактозалар гидролизланганда, глюкозани ферментациясидан кейин глюкозалар, галактозалар ҳосил бўлади), етанол, сут кислота, пропион кислота (сыр олишда ҳосил бўладиган зардебдан), бутиленгликол, полисахарид ксантан, лактулоза, лактинол, лактобин кислоталар олинмоқда.

Саноат миқёсида сут кислотаси олишда ўзун таёқчасимон Бастериум делбруский (синоним Ластобасиллус делбруский) бактерияси ёрдамида 45-50°C ҳароратда синтез қилинади.


Сут кислотасидан кимё саноатида пластмасс, красител, лаклар олишда, фармацевтик ва озиқ овқат саноатида кенг миқёсда ишлатилади. Сут бактериялари глюкозани сут кисотага айлантириш қуидаги чизма орқали амалга ошади.




Чизма. Сут кислота ҳосил бўлиши.

Пропион кислота бактериялар $\text{C}_3\text{CH}_2\text{COOCH}_3$ пропион кислотани ҳосил қилувчи продуцентлари бўлади. Ушбу кислота специфик таъм берувчи восита сифатида ишлаб чиқарилади. Пропион кислота еритувчи, ҳид берувчи ароматизатир ишлаб чиқришда кимёвий фармацевтика саноатида кўлланилади.

Пропион кислота саноат миқёсида Пропионибактериум фреуденреичии, П. шермании, П. рубрум ва бошқа бактериялар ёрдамида синтез қилинади. Бу грамманфий факултатив анаероб бактериялар спора ҳосил қилмайди. Бактеряларни ушбу гурухи B_{12} витамин олишда ҳам продуцент бўлади.




Чизма. Пропион кислота ҳосил бўлиши.



СХизма. Витамин B₁₂ ни озиқа муҳитида ҳосил бўлиш жараёни.

Озиқ овқат соҳасида қўп микдорда ишлатиладиган лимон кислота ҳам саноат миқёсида микробиологик усулда *Aspergillus niger* замбуруғи ёрдамида синтез қилинади.



Чизма. Лимон кислотани озиқа муҳитида ҳосил бўлиш жараёни.

Ёқилғи сифатидаги етанолни олиш. Етанол-екологик жиҳатдан тоза ёқилғи ҳисобланиб, ёниш пайтида CO_2 ва H_2O га парчаланади. У ички ёнув двигателини ёндиришда тоза кўринишда ёки бензинга 10-12 % ли (газахол) қўшимча сифатида қўлланилади. Бразилияда 1983 йилдан буён фойдаланиб келинади. 75 % автомобиллар 95 % ли етанол билан ишлайди, қолганлари esa газохолдан фойдаланади. АҚСҲ да 10 % бензинга талаб бўлса, етанолга алмаштириш лозимлиги тавсия қилинмоқда.

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик қолдиқ маҳсулотларидан биотехнологик йўл билан етанол спирти ишлаб чиқарилмоқда. Биообъектлардан спиртлар олишда классик усулда *Сасчаромйесес серевисиае* дрожжасидан фойдаланилган, аммо бу усулнинг бир қанча камчиликлар мавжуд. Ҳозирги пайтда термофил бактерияси етанол олида асосий продукенти ҳисобланиб метаболиз жараёни юқори тезликда боради, масалан утилизация қилинган крахмал ва селлюлоза маҳсулотларидан *Тҳермоанаэробиум броскии*, *Слостридиум тҳермоселлум*, *Сл. тҳермоҳидросулфурисум* юқори унумда спиртлар олинади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ҳар йили 30 млн. тонна шаҳар қаттиқ майший ва саноат чиқиндилари, дарахт баргининг ҳазонлари тўпланмоқда, сув

ҳавзаларининг тагида 2 млрд тоннадан ортиқ лойка (ил) бор. Ушбу чиқиндиларнинг кўп қисми очиқ майдонларда сақланади ва йилдан йилга улар егаллаган майдон ортиб бормоқда. Бу еса атроф-муҳитнинг ифлосланиш еҳтимолини янада оширади. Шунинг учун ушбу чиқиндиларни утилизация қилиш долзарб масала ҳисобланади. Бунда чиқиндилардан компостлаш усули билан ноанъанавий ўғитлар тайёрлаш уларни утилизация қилишнинг енг самарали усули ҳисобланиб, у бирданига учта масалани ҳал қиласди. Биринчидан, органик ўғит муаммоси, иккинчидан, тупроқни озиқ елементлар билан бойитиш ва учинчидан, атроф муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланишдан сақлаш масалалари ўз ечимини топади. Ушбу чиқиндиларни компостлаш йўли билан утилизация қилиш дехқончиликда озиқ моддалар балансини тартибга солища, чиқиндилар таркибидаги озиқ елементларнинг моддалар алмашиниш занжирида иштирок етишида муҳим ўрин тутади.

Қолдик маҳсулотларни компослаш, биринчидан улар текин хом ашё ҳисобига олинади, иккинчидан жойнинг ўзида тайёрлангани сабабли транспорт ҳаражатлари кам, учинчидан атроф-муҳит доимо тоза ҳолатда тутилади, тўртинчидан таркибида анъанавий минерал ўғитларда йўқ озиқ моддалар бўлгани учун тупроқ хоссаларини яхшилаб, қишлоқ хўжалик екинлари ҳосилдорлигини оширади. Улар ўз таркибида ўсимлик озиқланиши учун зарур бўлган кўп микдорда макро ва микроелементлар сақлайди.

Айрим чиқинди ва қолдиқлар таркибидаги озиқ елементлар микдори

Чиқинди ва қолдиқлар	Ҳаво намлигидаги массага нисбатан % ҳисобида			20 тонна массадаги микдори, кг		
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	N	P ₂ O ₅	K ₂ O
Корамол гўнги	0,50	0,25	0,60	100,0	50,0	120,0
Парранда гўнги	2,06	1,80	1,10	412,0	360,0	220,0
Сомон	0,46	0,20	0,90	92,0	40,0	180,0
Ғўзапоя (ғўзани вегетатив органи)	1,13	0,42	2,25	226,0	84,0	250,0

Компост тупроқка ўсимлик учун зарур бўлган барча озиқ елементлар (макро ва микроелементлар) билан бир вақтда анча микдорда микроорганизмлар ҳам тушади. Ушбу микрорганизмлар тупроқ микрофлорасини бойитиб, унинг таркибида кечадиган микробиологик

жараёнлар (чириш, минерализация, аммонификация) ни фаоллаштиради. Бундай ўғитлардан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалиги учун ўта муҳим еканлиги яққол кўриниб турибди. тупроққа ўсимлик учун зарур бўлган барча озиқ элементлар (макро ва микроэлементлар) билан бир вақтда анча миқдорда микроорганизмлар ҳам тушади. Ушбу микрорганизмлар тупроқ микрофлорасини бойитиб, унинг таркибида кечадиган микробиологик жараёнлар (чириш, минерализация, аммонификация) ни фаоллаштиради. Бундай ўғитлардан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалиги учун ўта муҳим еканлиги яққол кўриниб турибди.

Гўнг сут фермасида сут ишлаб чиқариш жараёнининг чиқиндисидир. Афсуски гўнгдан бадбўй ҳид тарқалади, атрофни ифлослантиради ва чивин, пашша ва бошқа турли заарли ҳашаротлар қўпайиши учун қулай шароит яратади. Биотехнологик йўл билан гўнгга тўғри ва оқилона ишлов бериш ва ундан фойдаланса, яъни компостлаш “касофат”ни “марҳамат”га айлантириш мумкин.

Атроф муҳит тозалиги нуқтаи назаридан янги гунгни компостга айлантириш унинг таркибилаги моддалар:

- бегона ўт уруғларини нобуд бўлишига;
- патоген микрофлора, замбуруғлар споралари ва бошқа заарли микроорганизмларнн йўқотилшнига;
- хонаки пашша ва бошқа зааркунанда ҳашаротлар личинка ва тухумларн нобуд бўлишига олиб келади.

Ўзбекистан шароитида бир йилда 15 тонна гумусни бир гектар ерга сочиш мумкин.

Ердаги азот миқдори уч йилла камаяди. Фосфор на калий миқдори беш йилгача ўзгармаслиги мумкин.

Гўнг органик ўғит сифатида азот, фосфор ва калий моддалари мавжулиги нуқтаи назаридан ишлатилиш усуллари икки хилдир:

Молхонадан тўғридан тўғри далага.

Компост қилимгандан сўнг ишлатиш.

Компостлаш жараёнида гунгда микрофлора пайдо бўлади ва турли хил

органик моддалар синтези бошланади. Жараён охирида патоген микрофлорадан, бадбўй ҳиддан, пашша тухум ва личинкаларидан, ёввойи ўсимликлар уруғларидан холи тоза компост аъло сифатли органик ўғит олинади.

Компост тайёрлаш жараёнида Метан (CH_4) бактериялар анаеробик ферментациялаш жараёнининг қўшимча маҳсулоти ҳосил бўлиб иссиқхона газлари турига киради. Ушбу газнинг бошқача номи боткок гази ҳам дейилади, чунки ушбу газ ботқоқларда анаероб шароит туфайли кўп миқдорда ҳосил бўлади. Гўнгининг янги уюмлари ичида анаеробик ҳолат метан чиқиши мумкин. Компост тайёрлаш усулида аероб ҳолат бўлганлиги сабабли метан чиқишини олди олинади.

Метан газининг иссиқхона еффектига таъсири карбонат ангидридга нисбатан 21 баробар заарли. Шунинг учун, компост тайёрлаш жараёнида метан чиқишининг олдини олиш мумкин.

Кимёвий ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндилари турли кўринишда бўлиб, улар агрегат ҳолати кўра уч турда – газ, суюқ ва қаттиқ кўринишда бўлади.

Газсимон чиқиндилар саноат печлари, шамолпаррак қурилмалари, қуритгичларнинг газ ўтказгичларини, технология қурилмаларнинг ҳар турли кетувчи газларини ўз ичига олади. Мазкур гурухга буғ генераторлар ва печларнинг ёниш маҳсулотлари (тутун газлари); ўткир ҳидли, таркибида дисперс қаттиқ зарралар (чанг) ёки туман тарзидағи суюқ, зарралар, шунингдек, таркибида (HO , HO_2 ва бошқалар), CO_2 , XO_x ганик моддалар буғлари ва ҳоказолар; захарли газ аралашмалар билан ифлосланган ҳаво аралашмалари ҳосил бўлади.

Газлардан фойдали таркибларни ажратиб олиш ёки заарсизлантириш учун абсорбсия, адсорбсия, чўқтириш, филтрлаш, термик қайта ишлаш, хемосорбсия қўлланади. Газсимон чиқиндиларни термик қайта ишлаш газда мавжуд бўлган органик аралашмаларни X_2O , CO_2 , X_2 заарсиз ёниш маҳсулотлари қолгунига қадар ёндиришдир.

Мазкур усулларнинг камчилиги газ таркибидаги мавжуд барча органик

моддаларнинг йўқотиб юборилишидир. СХунинг учун бу усул моддаларни ажратиб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофик бўлмаган ҳоллардагина қўлланади.

Айрим маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кетувчи газлар углеводородлар аралашмасидан иборат бўлади. Бундай аралашмаларни ажратиб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофик бўлмаган шароитларда улардан иккиламчи енергетика ресурсларининг ёқилғиси сифатида фойдаланилади.

Тўғридан-тўғри ёқиб юбориш усулидан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган ҳолларда газсимон чиқиндиларда ёнувчи таркиблар миқдоран кам бўлганда каталитик ёндириш усули кенг қўлланади. Каталитик ёниш жараёни бевосита ёндириладиган $950\text{-}1110^{\circ}\text{C}$ ўрнига $200\text{-}600^{\circ}\text{C}$ ҳароратда харакациз ёки қайновчи қатлами бўлган катализаторли реакторларда кечади.

Қаттиқ чиқиндилар - кукун, чанг, куйма ёки қотиб қолган масса тарзида ҳосил бўладиган чиқиндилар бўлиб, буларга куйиндилар, кул, чанг ва курум зарралари, пластмасса ва резина чиқиндилариdir.

Фосфогипс табиий фосфатлардан фосфат кислота ишлаб чиқаришда чиқинди сифатида ҳосил бўлади. Фосфатлар сулфат кислота билан парчаланганда фосфат кислота еритмага айланади ва қийин ерийдиган калсий сулфат (фосфогипс) ҳосил бўлади.

Фосфогипсни қайта ишлаш усуллари орасидаундан $1100\text{-}1200^{\circ}\text{C}$ ҳароратда тиклаш йўли билан олtingугурт елементини ажратиш усули яратилган.

Полимер материаллар чиқиндиларини фойдаланишга тиклашнинг енг самарали усули уларни иккиламчи (айрим ҳолларда қўп марта) қайта ишлашдир. Истеъмолдан чиқсан полиетилен плёнкасини қайта ишлаб, қишлоқ хўжалиги учун қувурлар ва унчалик муҳим бўлмаган жойларда ишлатиладиган буюмлар, шунингдек, иккиламчи плёнка тайёрлаш жараёнларида ўзлаштирилади. Иккиламчи полимер плёнка олишнинг технологик жараёни дастлабки хом ашё тайёрлаш (фойдаланилган плёнка), донадорлаштириш ва ҳосил бўлган донадор хом ашёни дастлабки полиетилен

билин аралаштириб, кейинчалик оддий усулда плёнка олишдан иборат.

Назорат саволлари:

1. Хамир тайёрлашда ачитқи турлари ва уларни вазифалари.
2. Спиртли бижғиши жараёнида иштирок етадиган микроорганизмлар.
3. Консервалари тайёрлаш ишлаб чиқариш корхоналар қолдиқ маҳсулотлар утилизацияси.
4. Глюкозалар (гликолиз) фруктозо-1,6-бифосфат парчаланиш йўли.
5. Алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналар қолдиқ маҳсулотлари.
6. Спиртли бижғиши жараёнида қайси маҳсулотлардан фойдаланилади.
7. Гумин кислотанинг кимёвий тузилиши.
8. Кляйнхемпел бўйича тупроқдаги гумус кислота фрагментлари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Екология хабарномаси. /ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ахборот-таҳлилий ва илмий-амалий журнали.-Тошкент, № 7 (124) 2011. Б. -12.
2. Економические основы экологии: Учебное пособие - СПб: «Специальная литература», 1997 г. с.5.
3. Економические основы экологии: Учебное пособие - СПб: «Специальная литература», 1997 г.
4. Економические основы экологии: Учебное пособие - СПб: «Специальная литература», 1997 г., с. 13.
5. Шапиро Д.К. Практикум по биологической химии. Под ред. академика АН БССР А.С. Вечера. Изд. 2-е, перераб. и доп. Минск. «Вышеш. школа». 1976. - 288 с.
6. Стажеев И.В., Коломиес Е.И., Здор Н.А. Биотехнология малотоннажного производства микробного протеина. - Мн.; Наука и техника, 1991.- 264 с.
7. Елинов Н.П. Химическая микробиология. Учеб. для студентов химико-технол., технол., фармас. и др. ин-тов, аспирантов и Pract.

работников. - М.; Высш. шк., 1989. - 448 с.

8. Пищевая биотехнология продуктов из сырья растительного происхождения. Учебник / О. А. Неверова, Г. А. Гореликова, В. М. Позняковский. - Новосибирск: Сиб. унив. изд-во, 2007. - 415 с.

3. Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш

Режа:

- 3.1.Ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.
- 3.2.Консерваланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.
- 3.3.Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.
- 3.4. Алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.

3.1.Ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.

Ун донни кукунсимон ҳолатда келгунча кўп марта майдалаш йўли билан олинган маҳсулот ҳисобланади.

Ун ишлаб чиқаришда асосий ўринларни буғдой уни ва жавдар унлари егаллайди. Арпа, маккажўхори, соя ва бошқа донлардан олинадиган унлар ҳам кам микдорда бўлсада ишлаб чиқарилади.

Буғдой уни қайси соҳада ишлатилишига қараб нонбоп ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлади. Нон ишлаб чиқаришга мўлжалланган буғдой унлари крупчатка, олий, биринчи, иккинчи нав ҳамда дағал тортилган ун навларига бўлинади.

Крупчатка уни кесими шишасимон юмшоқ буғдойга шишасимон қаттиқ буғдойни аралаштириб тортилган ун ҳисобланади. Крупчатка уни бир хил

ўлчамдаги кичик ендосперма зарралардан иборат бўлиб, унда бошқа ун навларига қараганда клетчатка, кул, ёғ, қанд моддалари миқдори камроқ бўлиб, оқсил миқдори 15 фоизни ташкил етади.

Олий навли буғдой уни шишасимон ва ярим шишасимон юмшоқ буғдойдан олинади. Уннинг ранги оқдон оқ-сариқроқ тусгача бўлади. Бу ун таркибида кепак деярли бўлмайди. Қўл билан ушлаб кўрилганда жуда майин сезилиб, майда бир хил заррачалардан ташкил топади.

Биринчи нав ун ярим шишасимон юмшоқ буғдойдан олинади. Қўл билан ушлаб кўрилганда олий навли унга қараганда сал дағалроқ, чунки бу унда кепак – 3-4 % ни ташкил етади. СХу сабабли ҳам ранги оқ-сарғиши бўлади.

Иккинчи нав ун юмшоқ буғдойдан тайёрланади. Бу унда ун заррачалари биринчи нав ундагига қараганда сал каттароқ, қўл билан ушлаб кўрилганда дағаллиги сезилади. Бу унда кепак миқдори 8-10 фоизни ташкил етади, ранги оқ-кўкимтири ҳолатда бўлади.

Дағал тортилган ун (жайдари) юмшоқ буғдойдан кепагини ажратмасдан ишлаб чиқарилади. Ранги қўнғирроқ тусли бўлиб, ун заррачаларини қўл билан ушлаб кўрилганда дағаллиги дарҳол сезилади.

Жавдар уни тортилишига қараб 3 навда ишлаб чиқарилади: еланган, бирламчи тортилган ва жайдари. Еланган (кепаксиз) ун майда тортилган (ипак елақдан ўтказилган) бўлади. Бу уннинг ранги оқ-кўкиш тусда бўлади.

Бирламчи тортилган жавдар унининг заррачалари еланган ун навидан сал каттароқ, дағалроқ бўлади. Бу унда кепак 10 фоизга яқинни ташкил етиб, ранги оқ қўнғироқ бўлади.


Жайдари тортилган ун жавдарни майдалаш натижасида олиниб, бунда кепаги ажратилмайди. Бу ун жуда дағал, бир хил ўлчамга ега бўлмаган заррачалардан ташкил топиб, ранги қўнғир тусда бўлади. Жайдари тортилган ун жавдар унининг асосий хили ҳисобланади.

Уннинг кимёвий таркиби биринчи навбатда доннинг кимёвий таркибига боғлик бўлади. Оқсиллар унда уларнинг турига қараб 9-16 фоизни ташкил етади, лекин паст навли унларда юқори навли унлардагига нисбатан оқсил миқдори кўпроқ бўлади.


Углеводлар унда асосан крахмал ва клетчаткадан ташкил топгандир. Унда қанд (глюкоза, фруктоза, сахароза, малтоза) нисбатан кам бўлади. Унда крахмал ва клетчатка моддаларининг миқдори бўйича маълум боғлиқлик мавжуддир. Агар унда крахмал миқдори қанча кўп бўлса, шунча клетчатканинг миқдори кам бўлади, аксинча, крахмали кам бўлган унлар таркибида клетчатка миқдори кўп бўлади. Уннинг таркибида ўрта хисобда 70 фоиз крахмал бўлади.

ЙОҒ моддаси ун таркибида 2,0 фоиздан ортиқ бўлмаса-да, уннинг тезда ачиб, тахирланиб қолишини келтириб чиқаради.




Уннинг таркиби турига ва навига қараб минерал моддалар 0,5-2,0 фоизни ташкил етади. Ун таркибида витаминлар B_1 , B_2 , B_3 , B_6 , B_{12} , Е, ПП, каротин (провитамин А) лар мавжуд бўлади.




Витамин B_1 (тиамин)




Витамин B_2 (рибофлавин)




Витамин B_6 (адермин, пиридоксин)



Витамин B_{12} (антианемик сианкобаламин)



**Витамина
ўхшаш моддалар**



пара-Аминобензой
кислота

Доннинг пўсти, алайрон қобиғи ва муртаги минерал моддларга ва

витаминларга бой бўлгани учун улар паст навли унларда кўпроқ бўлади.

Ун нон ишлаб чиқаришда асосий хом ашё бўлиб, хамир тайёрлашда ГОСТ талабига жавоб берадиган сув, ачитқи, натрий гидрокарбанат ва ош туз ишлатилади. Тайёрланаётган ноннинг сифати кўп ҳолларда уннинг сифатига ва қўшимчалар тозалигига боғлиқ бўлади.

Хамир тайёрлаш биокимёвий жараён асосланиб, ачитқилар таъсирида спиртли бижғиш амалга ошади. Унда *Сасчаромйесес сервисиае, Сандида миллери* турдаги прессланган, қуритилган, сутли-ачитқи кўринишдаги ачитқилар ишлатилади.

Ачитқилар бижғиш жараёни бошланганда хамир таркибида крахмал ва бошқа углеводларни парчалаб CO_2 газини ҳосил қиласида натижада уни ҳажми катталашади.

Хамирда мавжуд, ачитқи таркибидаги амилаза таъсирида крахмал малтоза ва охирги маҳсулот глюкозага парчаланланда. Ун таркибида кам миқдорда амилолитик фаол модда бўлиши етарли миқдорда малтоза ва глюкоза ҳосил бўлишига олиб келади натижада хамир яхши кўпчимайди ва уннинг зичлик даражаси юқори бўлиб сифати яхши бўлмайди. Спиртли бижғишнинг умумий кўриниши:



Енергиянинг маълум қисми иссиқликка, бошқа қисми АТФ холда тўпланадиган янги кимёвий енергия шаклига айланади.

Спиртли бижғиш натижасида буғдой хамирида ачитқининг прессовлаш жараёни уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда амилаза таъсирида мураккаб углеводлар оддий углеводларга гидролизланиш амалга ошади.



Крахмал Декстринлар қатори Малтоза Глюкоза

Малтоза крахмалга солод ун таркибидаги диастаза ферменти таъсир еттирилганда ҳосил бўлади, шунинг учун ун солод шакари дейилади:




Крахмал Малтоза

Углеводларнинг муракаб ефирларни (фосфатлар) ҳосил қилиши тирик организмдаги метаболизмга хос реаксия ҳисобланади. Глюкозанинг барча босқичлари (глюкозани пируватга айланиши) бирикмалар билан фақат фосфатли шаклда ҳосил бўлади.

Углеводларнинг гидрокси-гурӯҳи билан фосфатли ҳосиласини ҳосил қилиши умумий холда қўйидагича кўрсатиш мумкин.

Масалан, лактозани парчаланишидан ҳосил бўлган галактоза глюкозага метаболик ўзгаришнинг бошланғич босқичида монофосфатни ҳосил қилиб АТФ билан таъсирлашади.




Иккинчи босқичда гликолиз типидаги бирикмалар пироузум кислотага айланади.

СХунга ўхшашиб реаксиялар микроорганизмда Д-глюкозанин 6-фосфатли, Д-фрутозани-1,6-дифосфатли, глицериннинг 1- ва 3- фосфатларининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Карбоксил сақловчи бирикмаларнинг ангиридрид шаклига ўтиши ёғ кислоталарининг, аминокислоталарнинг, ўт кислоталарнинг фоллаштиришнинг кимёвий асосини ташкил қиласи. Ҳосил бўладиган ангиридларинг таркиби АТФ томонидан фосфор кислотанинг қолдиғи (ацилфосфатлар) ёки АМФ нинг қолдиғи (алмашган ацилфосфатлар-ациладенилатлар) кириши мумкин. Масалан, организмда азотнинг алмашинишида катта рол ўйнайдиган глутаминни олинишида

ацилфосфатнинг ҳосил бўлиши оралиқ босқичларнинг бири бўлиб хизмат қиласди.


Тўғридан-тўғри глутамин кислотани аммиак билан боғланиши карбоксил гурухдаги углерод атомининг електроманфийлиги кичик бўлганлиги учун содир бўлмайди. Аммо бу реаксия организмда АТФ иштирокида содир бўлиши мумкин (глутаминсинтетаза ферменти иштирокида). Глутамин кислота фосфор кислотанинг ангидридини ҳосил қиласди бу билан аммиакни ациллашдаги кейинги босқичда фаолроқ бўлиб қолади.



1-Расм. Глюказалар (гликолиз) фруктозо-1,6-бифосфат парчаланиш йўли.

Учинчи босқичда хамирда спиртли бижғишда реаксияси икки хил күринишда амалга оширилади.

1. Пируватдекарбоксилаза таъсири ёрдамида пироузум кислота декарбоксилланиб сирка алдегидга айланади:




2. Алкоголдегидрогеназа таъсир етирилганда сирка алъдегиди спиртга кадар қайтарилади:




Хамирнинг оширилиши асосан унинг оқсил таркибиға боғлиқ бўлади. Буғдой хамири оқсил панжаралар орасидаги қамалган CO_2 орқали егилувчан, чўзилувчан ва ҳаво шарчалари билан ҳажми катталашган бўлади.

Ҳарорат 97-99°C хамир пишириш жараёнида олма ҳидига яқин ҳид пайдо бўлади, бу пентозанинг фурфуролга айланишидан ҳосил бўлади.



Липой кислотаси ҳам кўп компонентли фермент системаларнинг таркибида ацил гурухларни оксидланиши ва ташиб борилиши, алмаштириб бўлмайдиган ролни бажаради. Унинг асосий функцияси α -кето-кислоталарнинг (α -кетоглуар ва пироузум кислоталари) оксидаланиши билан борадиган декарбоксилланишида иштирок етадилар.



3.2. Консерваланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.

Помидор маҳсулотлари

Помидорларни қайта ишлаб олинадиган маҳсулотларга помидор шарбати, помидор пюреси, помидор пастаси (тузланган ва тузланмаган) киради.

Помидор шарбати қизариб пишиб етилган помидорларнинг уругини етидан бир текис масса тарзига келтириб олинади.

У пишган помидорга хос ёқимли табиий таъм ва ҳидга ега бўлади. Помидор шарбати таркибида қуруқ, модданинг миқдори 4,5%ни ташкил этади.

Помидор пюреси ва пастаси тайёрлашда учун яхши пишиб етилган помидорлар майдалаб қирғичдан ўтказилади. Кейин еса ҳосил бўлган суюқ бутқа вакуум аппаратларда қуруқ масса керакли миқдорга етгунча қайнатиб, қуюлтирилади.

Помидор пюреси таркибидаги қуруқ массанинг миқдорига қараб 12, 15 ва 20 фоизли бўлади. Помидор пастаси помидор пюресидан таркибида қуруқ массаси янада юқори еканлиги билан фарқ қиласди. Таркибида қуруқ моддасининг миқдорига қараб помидор пасталари 25, 30, 35 ва 40% ли бўлади. Тузланган помидор пастаси таркибида еса 27, 32, 37 фоиз қуруқ моддаси бўлади.

100 г помидор таркибида 92 г сув, 1,10 г оқсил, 0,20 г ёғ, 4,6 г углеводлар, 0,8 г клетчаткалар, 1,2 мг каротин, 0,06 мг тиамин, 0,04 мг рибофлавин, 0,53 мг ниацин, 25 мг витамин С, 0,39 мг витамин Е, 0,10 мг витамин Б₆, 1,2 мг биотин, 0,25 мг пантотен кислота, 11 мкг фолацин, минерал моддалардан – 290 мг калий, 14 мг калсий, 20 мг магний, 40 мг натрий, 26 мг фосфор, 900 мкг темир, 2 мкг ёд, 140 мкг марганец, 60 мкг фтор, 15 мкг хром, 200 мкг рух бор.

β-каротин-ўсимлик пигменти, қизи липид сариқ рангли, помидор ва сариқ ёғда бўлади. У витамин А нинг асосидир.

Помидор маҳсулотларидан ҳосил бўлган қолдиқ маҳсулотлар: уруғи ва ети бўлиб, ети асосан кимёвий таркибига қараб бир қатор биологик фаол бирималар манбаси ҳисобланади.

Етидан каротин ва клетчаткаларидан фармацевитка саноатида препаратлар олишда, уруғидан еса чорвачилик соҳасининг юқори тўйимли даражадаги озиқа еми тайёрлашда ва доривор ёғлар олишда қўлланилади.

Мева консервалари - Деярли хамма мевалардан пурелар (бутқа) тайёрланади. Кўпинча олма, ўриқ, олхўри, шафтоли, олча, нок пурелари

тайёрланади. Пюрелар тайёрлашда мева етлари қирғичлардан ўтказилиб бир хил ҳолатга келтирилади. Пюрелар таркибида қуруқ модда миқдори 7-13% ни ташкил етади.

Қолдик маҳсулотлардан чорвачилик соҳасининг юқори тўйимли даражадаги озиқа еми тайёрлашда ва данагидан еса ёғ олишда қўлланилади.

Пасталар. Бу маҳсулот мева пюреларини уларнинг таркибидаги қуруқ моддаси 25 ва 30% гача келгунча вакуум аппаратларда қуолтириш йўли билан олинади.

Мева соуслари. Қирғичдан ўтказилган мева массасига нисбатан 10% гача шакар қўшиб, қуруқ моддаси камида 21 фоизга келгунча қуолтириб соуслар олинади. Олма, нок, ўриқ, беҳи, шафтоли, олхурилардан соуслар олинади. Соуслар бир хил массадан иборат бўлиши ва таркибида мева пўстлари, уруғлар, данаклар аралашиб қолмаган бўлиши керак. Қолдик маҳсулотлардан чорвачилик соҳасининг тўйимли озиқа еми тайёрлашда ва уруғи, данагидан еса ёғ олишда қўлланилади.

Мева-резавор мева маринадлари. Маринадлар олча, олхури, олма, узумдан тайёрланади. Маринадлар таркибида сирка кислотасининг миқдорига қараб улар кучсиз нордон (0,2-0,6%) ва нордон (0,61-0,90%) маринадларга бўлинади. Шунингдек, сараланган, юқори сифатли мева ва резавор мевалардан маҳсус рецептура бўйича болаларга мўлжалланган ва парҳезбоп мева консервалари ҳам тайёрланади. Бу маҳсулотларни олишда шакар ўрнига ксилит ва сорбитлар ишлатилади.

Балиқ консервалари. Бу консервалар таркибида кўп миқдорда ёғ ва А, Д витаминалари бўлади. Булонли консервалар консистенсияси зич қурукроқ балиқ (осетра, скумбрия балиқлари) дан тайёрланади.

Балиқ консерваларининг сифати уларнинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари асосида баҳоланади. Балиқ консерваларининг сифатини баҳолашда аввало банкаларнинг ташқи кўринишига еътибор берилади. Банкалар тоза, езилмаган, зангламаган ва шишиб чиқмаган бўлиши керак.

Балиқ консерваларининг органолептик кўрсаткичларига балиқ

гўштининг, қуйманинг ранги, консистенсияси, тъми ва ҳиди, банкадаги балиқ бурдаларнинг сони, жойланиш сифати ва бошқалар киради.


3.3. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.

Ёғларнинг аҳамияти, кимёвий таркиби

Озукавий ёғлар инсон рациони учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Аввало ёғлар инсонлар учун енергия манбай бўлиб хизмат қиласди. Инсон кундалик ҳаёт фаолиятида сарф қиласдиган енергиянинг қарийиб учдан бир қисмини ёғлар ҳисобига олади. 1 грамм ёғнинг енергия бериш қобилияти 37,7 кЖни ташкил етади.

Ёғлар юқори молекулали ёғ кислоталарининг уч атомли спиртлар (глицерин) билан ҳосил қилган мураккаб ефиirlариdir. Шу сабабли бундай тузилган ёғлар триглецирдлар деб ҳам аталади.

Ёғ кислоталарнинг глицеринли ефири табиатда, глицериннинг тўлиқ ефиirlари учрайди, яъни глицеридлар, қаттиқ триацилглицеринлар бир хил кислоталарнинг қолдиқларини, аралашмасини ҳар хилини сақлайди.



Битта организмнинг ҳар хил органларидан ажратиб олинган триацилглицеринлар таркиби бўйича бир-биридан анча фарқланади. Хусусан, тери остидаги ёғ клетчаткасида кўпроқ тўйинган, жигарнинг ёғида еса тўйинмаган кислоталар бўлади.

Тирик ҳужайраларнинг асосий компонентларидан бири ҳисобланган, ёғлар ўсимликлар дунёсида ҳам кенг тарқалгандир. Кўпчилик ҳолларда ўсимлик маҳсулотларида ёғларнинг микдори унча юқори емас.

Ўсимлик мойлари - Баъзи ўсимлик уруғларида, меваларида, илдиз меваларида, умуман бошқа аъзоларида кўпроқ даражада ёғ тўпланганлиги учун ёғ берувчи ўсимликлар деб ҳам юритилади. Баъзи ёғ берувчи ўсимликлар

уругидан ёғнинг миқдори 50 % дан юқори, масалан кунгабоқарнинг юқори даражада мой тўпловчи навларида ёғнинг миқдори 70% гача боради. Лекин, мой олиш учун таркибида бундан анча кам миқдорда мой тўпловчи уруғлар ҳам ишлатилади. Кам мой берувчи ўсимликлар кўпчилик ҳолларда халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга ега бўлган бошқа маҳсулотлар олишда ишлатилади. Масалан, ғўза асосан пахта толаси олиш учун екилса, соя ўсимлиги еса асосан озукавий оқсил олиш учун ва ҳайвонларга оқсилга бой озуқа сифатида екилади.

Хозирги кунда мой берувчи ўсимликларга 100 дан ортиқ ўсимликни киритиш мумкин. Лекин уларнинг купчилигига ёғнинг миқдори унча кўп бўлмаганлиги туфайли мой ишлаб чиқариш саноатида ишлатилмайди.

Мой олиш учун ишлатиладиган асосий ўсимликлар уруғи таркибидаги мой миқдори 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Мой берувчи уруғлар таркибида мой миқдори (куруқ моддасига
нисбатан % ҳисобида)

Ўсимликлар	Мой миқдори
Кунгабоқар	23,5-45,0
Ғўза (чигит)	15,9-28,6
Соя	13,5-25,4
Рапс	38-45
Ёнғоқ	60,0-74,0
Ерёнғоқ	40,2-60,7
Кунжут	46,2-61,0
Зиғир	36,8-49,5
Наша ўсимлиги	30,0-38,9
Какао-дуккаги	49-57
Зайтун (мевасининг ети)	23-49

Ўсимлик мойларидан мой ишлаб чиқариш асосан уч босқични ўз ичига олади: уруғларни мой ишлаб чиққаришга тайёрлаш, мой ишлаб чиқариш ва олинган мойларни тозалаш. Мой тўпловчи уруғлар хўжаликлардан, омборхоналардан, пахта тозалаш заводларидан ҳар хил транспорт воситалари ёрдамида ёғ заводларига ташиб келтирилади.

Мойларни майдаланган мағизлардан, уруғлардан ажратиб олиш асосан 3 усулда олиб борилади: пресслаш (механик күч билан қисиши), еритиш ва комбинациялаштирилган усул.

Пресслаш усули билан мой ажратиб олганда енг қийин жараёнлардан бири майдаланган хом ашёни пресслашга тайёрлаш ҳисобланади. Ёғлар майдаланган мағизлар сиртига катта күч билан ёпишган бўлади. Бу ёғларни кўпроқ миқдорда ажратиб олиш учун мана шу ёпишқоқдик кучини сусайтириш керак. Шу мақсадда майдаланган хом ашёга намлик-ҳарорат билан ишлов берилади. Майдаланган мағизга сув бўғлари билан намлаб ишлов берилганда, ана шу ёпишқоқлик даражаси пасайиб, ёғ еркин ҳолда ўтади. Буғлантирилган хом ашё маълум даражада қуритилиб, кейин еса қиздирилади. Ҳароратнинг кўтарилиши ёғнинг ёпишқоқлигини камайтиради, бу еса ўз навбатида тўқималардан ёғнинг чиқишини тезлаштиради.

Прессларда сиқиб чиқарилган мойлар маҳсус идишларда тўпланиб, тозалаш учун юборилади. Пресслаш усулининг камчилиги шундан иборатки, бу усул билан йпіғ таркибидаги мойнинг фақатгина 80-85 фоизинигина чиқариб олиш мумкин. Демак, кунжарада 15-20 фоизгача мой қолиб кетади. Қолдиқ маҳсулоти ёғлик даражаси юқори бўлган кунжара таркибида оқсил, углевод, минераллар ва бошқа биологик фаол бирикмалар аралашмаси чорва, парандачиликда озиқа емлари ва шу билан бирга иккиламчи маҳсулот техникада қўллаш учун суртма мойлар олиш мумкин.

Мой ишлаб чиқаришнинг еритиш (екстраксия) усули. Мой ишлаб чиқаришнинг физик-кимёвий усулла-ридан амалиётда еритиш усули кўпроқ. қўлланилади. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, мой ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган усуллар орасида еритиш усули уруғдаги мойларнинг қарийиб ҳаммасини ажратиб олишни таъминлайди. Еритиш (екстраксия) усулининг моҳияти мойларнинг органик еритувчиларда яхши еришига асослангандир. Еритиш усулида мой ажратиб олишда ҳам хом ашёга маълум даражада иссиқ ҳарорат билан таъсир еттирилади. Лекин, еритиш усулида мой ажратиб олиш органик еритувчининг қайнаш ҳароратлари атрофифда олиб борилади.

Екстраксия жараёни шундан иборатки, майдаланган уруғлар маҳсус

екстракторларга ўтказилади ва бу екстракторлар еритувчилар билан тўлғазилади. Еритувчи сифатида бензин, керосин, ефир, ацетон, дихлоретан ва бошқалар ишлатилиши мумкин. Екстраксиялаш учун ишлатиладиган еритувчилар арzon, мумкин қадар заарсиз, тез учувчан, ёғлар билан реаксияга киришиб захарли бирикмаларни ҳосил қилмайдиган, жиҳозлар деворларига таъсир етмаслик керак. Екстракторларга еритувчилар солингандан кейин майдаланган уруғлар таркибидаги мой еритувчига ериб ўтади. Ҳосиб бўлган еритма мисселла деб юритилади. Еритувчини ажратиш учун мисселла маҳсус аппаратларда ҳайдалади.

Ҳозирги кунда мойларни олишнинг узлуксиз екстраксия усули ишлаб чикилган. Бунда бир неча екстракторлар бир-бирига уланган бўлиб, екстраксия кетма-кет олиб борилади.

Кунгабоқар мойи. Бу мой кунгабоқар уруғларидан олинади. У сотувга тозаланган, гидротацияланган ва тозаланмаган ҳолда чиқарилади. Қолдиқ маҳсулотларидан ҳисобланган ёғи олинган кунжарасидан еса қадолатчиликда ёғ миқдори кўп бўлган қисмидан ҳалво тайёрланади ва ундан қолган қодикдан еса чорва ҳайвонлари учун озиқа олинади.

Пахта мойи. Бу мой пахта чигитидан олинади. Тозаланмаган пахта мойи ўзига хос ҳидли ва аччиқ таъмга ега бўлиб, ранги қора-қунғир рангда бўлади.

Тозаланганик даражасига қараб пахта мойи тозаланган ва тозаланмаган турларга бўлинади. Мойларнинг бу икки тури ҳам олий, 1-, 2-навларга бўлинади.

Пресслаш юли билан олинган тозаланмаган пахта мойининг 2-нави ошпазлиқда ишлатилмайди, сабаби унинг таркибида гасипола миқдори кўп бўлиб истемолга яроқсиз мой ҳисобланади. Лекин, яроқсиз мойни фраксияларга ажратиб, техник суртма мой ва тиббиёт амалиётида қўлланиладиган гасипола препарати олинади.

Соя мойи соя дуккагида 20 фоизга яқин мой бўлиши билан бир қаторда 40 фоиздан ортиқ миқдорда тўлиқ қийматли оқсил моддаси бўлади. Соя оқсили инсон организми учун зарур бўлган ҳайвон оқсилиниң ўрнини алмаштира олиши мумкин. СХунки, соя оқсилиниң таркибида алмаштириб

бўлмайдиган аминокислоталар бўлади (асосан азот миқдори кўп бўлган аминокислоталар –лизин, аргинин, триптофан).

Күп дуккакли ўсимликлар оқсиллари билан *Пенициллюм* и *Аспергиллус* замбуруғларни споралари билан лектинларни ҳосил қиласы (табиий бирикмалар – оқсиллар, углеводлар, ёғлар ва бошқалар микроорганизм споралари билан ҳосил қылған мицелиясига лектинлар дейлади).

3.4. Алкоголли ва алкогозиз ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналари қолдик маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.

Күчли спиртли ичимликлар

Кучли спиртли ичимликлар деб таркибида кўп миқдорда етил спирти бор ичимликларга айтилади. Уларга спирт, ароқ, ликер-ароқ маҳсулотлари, узум винолари, коняк, ром, виски каби ичимликлар киради. Буларнинг ҳар бири ҳар хил хом ашёлардан ўзига хос технологик жараёнлар асосида ишлаб чиқарилади.

Спирт, арок ва ликер-арок маҳсулотлари

Спирт. Спиртнинг турлари кўп (алифатик, ароматик, тўйинган, тўйинмаган спиртлар), лекин озиқ-овқат саноатида факат етил спирти ишлатилади (алифатик). Етил спирти саноатда углеводларга бой хом ашёлардан олинади. Бундай хом ашёларга донларни, картошка, қанд лавлаги ва қанд саноати чиқиндиларини киритиш мумкин.

Етил спиртини ишлаб чиқаришнинг моҳияти қанд моддаларининг маҳсус ачитқилар таъсирида бижғитиб спирт ҳосил қилишига асослангандир. Ишлаб чиқарилаётган етил спиртининг маълум қисми халқ хўжалигининг турли тармоқдарида, маълум қисми еса арок, ликер-ароқ маҳсулотлари ва узум винолари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.


Тозаланганлик даражасига қараб етил спирти уч навга бўлинади: екстра, юқори даражада тозаланган ва биринчи нав. Етил спиртининг екстра нави таркибида 96,5%, юқори даражада тозаланган навида 96,2%, биринчи навида esa 96% ҳажм микдорида спирт бўлади.

Спиртларнинг тозаланганлик даражасини белгилайдиган асосий физик-

кимёвий кўрсаткичлар алдегидар, сивуш мойлари ва ефиirlар микдори ҳисобланади.

Органолептик кўрсаткичлари жиҳатидан етил спиртининг ҳамма турлари рангсиз, тиник бегона заррчаларсиз, ҳиди ва таъми еса тозаланган етил спиртига мос бўлиши керак.

Спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришда ачитқи штамлари *C. cerevisiae*, *C. saccharogenes* ва *C. diazatatus* қўлланилади. Ачитқи *C. cerevisiae* глюкоза, фруктоза, малтоза ва малтотриозагача ўстирса, декстринларни оддий сахарозагача *C. diazatatus* парчаласа, ачитқи декстринни *Kluyveromyces fragilis* и *K. Lactis* еса лактозагача парчалайди. Йирик спирт ишлаб чиқариш корхоналари спиртларни олиш учун қипиқларни ачитишда ачитқилар спирт ҳосил қилиш унумига қараб маҳсус шароитларда этиштирилади.



1-расм. Дон маҳсулотлари ва картошкадан спирт олиш.

Узумдан тайёланган винолар

Узум винолари кучли спиртли ичимликлар саналиб, узум шарбатини спиртли бижғитиши юли билан олинадиган маҳсулотдир.

Бошқа кучли спиртли ичимликлардан фарқ қилиб, узум виноси таркибида етил спирти билан бир қаторда узум таркибидаги ҳамма озуқавий аҳамиятга ега бўлган моддалар мавжуд бўлади. Винолар таркибида бўладиган глюкоза, фруктоза, органик кислоталар, минераллар, ошловчи, пектин ва ранг берувчи моддалар аҳамиятлидир. Шунингдек, узум винолари таркибида кам микдорда бўлса-да, витаминалар (B_1 , B_2 , B_6 , $B_{\text{л}2}$, ПП, каротин), ферментлар ҳам учрайди.

Винолар таркибидаги ошловчи ва ранг берувчи моддалар шунингдек, П витамиининг мавжудлиги билан ҳам инсон организми учун аҳамиятлидир. Узум винолари таркибида С витамини деярли бўлмайди, чунки вино тайёрлаш жараёнида С витамини парчаланиб кетади. Виноларда уларга хушбўйлик берувчи моддалар: ефир мойлари, мураккаб ефиirlар, алдегидлар борлиги ҳам қайд етилган.

Кучсиз спиртли ичимликлар

Кучсиз спиртли ичимликларга пиво ва квас киради. Бу ичимликлар таркибида спиртнинг микдори 0,4% дан 6% гача бўлади. Булардан енг кўп тарқалгани пиво ҳисобланади.

Пиво - бу ундирилган арпадан (солод) тайёрланган аталани хмел, сув ва пиво ачитқиси қўшиб спиртли ачитиш йўли билан тайёрланган серкупик ичимлик ҳисобланади.

Пиво тайёрлаш учун асосий хом ашё бўлиб ундирилган арпа донидан тайёрланган солод, фермент препаратлари, хмел, пиво ачитқиси, сув ҳисобланади. Пиво таркибидаги екстрактив моддалар микдорини ошириш ва яхши таъм бериш учун гуруч оқшоғи, буғдой, соя, арпа уни, қанд ва глюкоза сингари қўшимча хом ашёлар ҳам ишлатилади. Пивонинг турига қараб унинг таркибида 4% дан 10% гача тез ҳазм бўладиган озуқавий моддалар, асосан углеводлар, аминокислоталар, минерал моддалар бўлади. Бундан ташқари

пивода 1,5-7% спирт, 0,4% гача карбонат ангидрид, ошловчи моддалар ва органик кислоталар бор.

Пиво тайёрлаш технологияси қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: арпадан солод тайёрлаш; пиво аталасини (сусла) тайёрлаш; аталани пиво ачитқилари ёрдамида ачитиш; пивони етилтириш; фильтрлаш ва қадоқлаш.

Солод тайёрлаш учун арпа дони ифлосликлардан тозаланади, сараланади, сувда ивитилиб, сувда ивитеилган дон 15-19°C ҳароратда 5-8 кун давомида ундиришга қўйилади. Донни ундириш жараёнида ферментлар фаоллашади ва ендоспермадаги моддалар гидролизланиб кичик молекулали сувда ерийдиган моддаларга айланади. Кейин еса ана шу ундирилган дондан пиво ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланадиган турли хил солодлар ишлаб чиқарилади.

Пиво аталасини тайёрлаш майдаланган солодни 75°C ҳароратга ега бўлган илиқ сув билан езишга асосланади. Бу жараёндан асосий мақсад солод таркибидаги екстрактив моддаларни сувга ўтказиш ҳисобланади. Кейин еса хрени бўлган еритма фильтранади ва хмел қўшиб қайнатилади. Ҳосил бўлган ширин атала қайтадан сузилиб, бижғитишига юборилади.

Бижғиш ёғоч ёки метал идишларда махсус ачитқилар ёрдамида олиб борилади. Бижғиш икки босқичда амалга оширилади. Асосий босқич 5-9°C ҳароратда 7-9 кун давом етади. СХу вакт давомида етилмаган, янги пиво ҳосил бўлади. Иккинчи босқичда бижғиш (ачитқи сифатида *C. сарлсбергенсис*) охиригача боради ва пивода ўзига хос таъм ва ҳид шаклланади. Бу жараён пивонинг етилиш жараёни ҳам деб аталиб, 0-3°C ҳароратда пивонинг турига қараб 11 - 100 кун давом етади.

Квас -Кваслар хом ашёсига қараб нон, мева-резавор, асал квасларига бўлинади. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича нон кваси биринчи ўринни егаллайди. Квас таркибида 0,4-0,6% спирти бўлган чанқоқности, тетиклантирувчи, баъзилари еса даволаш хоссаларига ега бўлган ичимликлар қаторига киради. Квас таркибида сут кислотаси, аминокислоталар, қанд, макро- ва микроелементлар, шунингдек, В гурухи витаминлари бўлади.

Квас ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида юқори сифатли жавдар,

арпа, асал, қанд, жавдар нони, хмел, сут кислотаси, ситрус мевалари дамламаси, туз, патока, ачитқилар, қанд колерй, сув ва бошқа хом ашёлар ишлатилади.

Нон кваси ишлаб чиқаришда еса асосий хом ашё сифатида жавдар уни, жавдар нони, жавдар солоди, қанд ва бошқалар ишлатилади.

Квас олиш учун бу хом ашёлар 70-73°C ҳароратли иссиқ сувда ишлов берилиб, екстраксия йўли билан атала (сусла) олинади. Кейин еса ҳосил қилинган аталага 25% қанд ва тоза сут кислотаси бактериялари ва хамиртуруш ачитқиси қўшиб ачитилади. Ачиши 22-26°C ҳароратда 8-12 соат давомида олиб борилади. Сўнгра квас 10-12°C гача совутилади, филтрланади, қанд шарбати, колер, ўтлар дамламаси қўшилиб қадоқланади.

Квасларнинг таъми ўзига хос, ёқимли, нордон-ширинроқ ҳиди еса янги ёпилган нон ҳидини бериши ва аниқ сезилиб туриши керак. *Сандида крусеи* ва *C.гуиллермондии* оксидловчи ачитқилар квас таркибидаги спиртни органик кислоталарга айлантириб ёқимсиз таъмни ҳосил қиласди.

Спирциз ичимликлар

Спирциз ичимликлар гуруҳига маъданли сувлар, мева-резавор, мева ва сабзавот шарбатлари, сироплар, екстрактлар, морслар, газлаштирилган ичимликлар киради.

Маъданли сувлар

Маъданли сувлар деганда таркибида минерал тузлар миқдори 2 г/л дан ортиқ ва 0,25 г миқдорида карбонат ангидрид гази бўлган сувларга айтилади. Маълумки, оддий ичимликлар сувлари таркибида ҳам ериган тузлар бўлади, лекин уларнинг миқдори 2 г/л га етмайди.

Олиниши қараб маъданли сувлар табиий ва сунъий бўлади.

Табиий маъданли сувлар. Бу сувлар ер ости сувлари бўлиб, таркибида юқори даражада физиологик фаол кимёвий компонентлар ва газлар бўлади (CO_2 , CO_2 ва бошқалар). СХу сабабли улар табиий манбалардан олинади.

Газлаштирилган спирциз ичимликлар

Газлаштирилган ичимликлар карбонат ангидрид гази билан 0,3—0,6% миқдорида тўйинтирилиши билан характерланади. Бу ичимликлар асосан

газланган ичимлик сувига мева-резавор мева шарбатлари, екстрактлар, сироплар, қанд, морслар, узум винолари, хушбуй моддалар, кислоталар, буёқ моддалари (колер) ва бошқалар қўшиб тайёрланади.


Газлаштирилган спирциз ичимликлар хом ашёси ва ишлаб чиқариш технологиясига қараб З гурухга бўлинади: газли сувлар, бутилкали газлаштирилган ичимликлар ва куруқ ҳолдаги ичимликлар.

Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш қолдиқлари ва улардан иккиламчи маҳсулотлар олиш

Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда олинадиган шарбатга (олмали, узумли, анорли ва бошқалар) қараб турли қўринишда қолдиқ маҳсулотлар қолади, чиқиндиларидан иккиламчи маҳсулотлар олишда, хом ашёнинг турига қараб чиқиндилар олинади.

Шунингдек чиқиндилар қўйидагича: 1) ширин чиқинди, 2) шарбатларни тиндиришда, совутиш, заарсизлантиришда ва сулфитлар саклашда ҳосил бўладиган чўқмалар, 3) шарбатни вакуум-аппаратда уч хил қўринишда концентрацияли (куюқ) бекмеси ва олишда ажраладиган чўқмаси, 4) шарбатни уч хил қўринишда концентрацияли (куюқ) бекмеси ва вакуум-сусласи олишда бур билан нейтраллаш пайтида ҳосил бўладиган чўқмаси ҳосил бўлади.

Вино ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган чўқмаларни хлорид кислота билан ишлов берилганда иккиламчи маҳсулот узум кислотаси олинади.



Узум кислотаси икки хил қўринишда асимметрик углерод бўлгани учун учта стереоизомер шаклда бўлади.

Назорат саволлари:

1. Компост тайёрлаш жараёни.
2. Гумус таркибидаги органик модданинг чиришига қараб турли

гурухланиши.

- 3.Аммонификация жараёни қандай амалга ошади.
- 4.Микробологик синтез йўли билан олинган оқсил ва бошқа озиқ моддалар.
- 5.Глюкозаизомеразанинг кашф етилиши.
- 6.Биотехнология ва саноат микробиологиясининг ривожланиши.
- 7.Атроф мұхитда нефт маҳсулотларини биологик парчаланиши учун қулай шароитларни ёзин.
- 8.Генетик жиҳатдан яратилган ксенобиотик деструктор штаммининг афзаллиги.

Адабиётлар руҳхати.

- 1.Кузнецов А. Е., Градова Н. Б. Научные основы экобиотехнологии студентов. - М: Мир, 2006. - 504 с.
- 2.Сатторов Ж.С. Ноананавий ўғитлар олиш ва қўллаш бўйича фермерлар учун қўлланма. «Сайдана-принт» МЧЖ. – Тошкент. . 2016. - 85 с.

4-Мавзу:Тупроқнинг екологияси ва уни тозалаш ва тиклаш биотехнологияси.

Режа:

- 1.Тупроқнинг екологик ҳолати.
- 2.Оғир органик бирикмалар билан заарланиши; нефи ва нефт маҳсулотлари билан заарланиш.
- 3.Кимёвий моддалар ва пестицидлар билан заарланиш, утилизация, қайта тиклаш, биоремидация.

1. Тупроқнинг екологик ҳолати.

Ер юзидағи тупроқ қатламиининг асосини литосфера ташкил қиласы. Литосфера қобиғи ва ер мағам (мантияни) юқори қисмидан ташкил топган. Литосфера, Е қобиғи физикавий-кимёвий жараёнлар маҳсулидир. Ер қобиғининг қалинлиги 5 км дан 60 км га етади. Қитъаларда бу қалинлик 40-50, юқори тоғларда 85 км ни ташкил қиласы. Денгиз ва океанларда еса 6-10 км га боради.

Литосфера магма, чўкинди қолдиқлари ва метоморфик тоғ жинсларидан ташкил топган. Литосферанинг енг юқорги қисмини **чўкинди жинслар** – қобиқ егаллайди. Ейр қобиги юзасини тупроқ қатлами ташкил қилиб, бу қатлам тириклик - биосферанинг бузилмас қисми ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Ернинг тупроқ қатлами - биоиқлим минтақалар ва тупроқ геохимик бирликлар - долалар каби икки ўлчам билан аниқланади.

Тупроқ – иқлим (ёки тупроқ-биоиқлим) минтақаси –тупроқ зоналари ва тупроқнинг вертикал тузилиш бирлиги бўлиб, у ерда радиацион, термик шароитлар ва уларнинг тупроқ ҳосил бўлишига ва ўсимликларнинг ривожланишига таъсир қилиш хусусиятлари тушунилади. СҲимолий ва Жанубий ярим шарларларда иқлимнинг ҳарорат хусусиятларига қараб кенгликлар бўйича тубандаги тупроқ- биоиқлим минтақаларига ажратилади: кутблар, бореал. Суббореал, субтропик ва тропик минтақалар. Ҳар бир минтақа учун қатор тупроқ хиллари ҳос бўлиб, улар бошқа зоналарда учрамайди.

Тупроқ хили (типи), тупроқ классификациясининг асосий гаксономик бирлиги, тупроқшуносликнинг генетик асоси ҳисобланади. Бир хил генетик горизонтга, тупроқ жараёнларининг йиллик ва кўп йиллик ўзгаришлари ҳамда гидротермик режимлари ўхшаш тупроқлар бир типга киритилади. Тупроқ типлари ўз навбатида каттароқ таксономик бирликка - **тупроқлар оиласига** бирлаштирилади. Бу бирлашиш асосида тупроқларнинг бир хил қатлами, кесими, органик, минерал моддаларнинг бир хил сифати, таркиби каби хислатлар ётади.

Дунё бўйича ва Еп шарининг турли зоналарида 23 та тупроқ оилалари аниқланган. Уларга нордон сепилдиз, алфегумус, қўнғир шўрҳоқлар, кулранг кабн тупроқ оилалари киради.

Тупрок оилалари ўз навбатида яна ҳам каттароқ таксономик бирлик - тупроқ генерациясига (пайдо бўлишига) бирлаштирилади. Бундай бирлаштиришнинг асосий белгилари: органик моддаларнинг тўпланиши, иккиласи минерал моддаларнинг ҳосил бўлиши, тупроқда ҳосил бўлган маҳсулотларнинг қатламлар бўйича аралашуви ва минерал бирикмаларнинг

гидроген тўпланиши каби хислатлардан иборат.

Тупроқ генерациялари (яъни, тупроқнинг юзага келиши) ўз навбатида енг катта таксономик бирлик - тупроқ геохимик ассоциациясига бирлашади. Бу бирлик асосида тупроқ асосини ташкил қилувчи органик ва минерал моддаларнинг бир-бирлари билан умумий боғлиқлиги, бир-бирларига таъсири туради.

Тупроқларнинг намлик даражасига қараб тупроқ - геохимик ассоциацияси ўз навбатида 6 та ассоциацияга бўлинади: 1) нордон субареал, 2) нордон субареал оглеен, 3) нордон ишқор субареал, 4) нордон-ишқор субареал оглеен, 5(нейтрал ишқор субареал, 6) ишқор субареал.

Ер устида бир-бири билан алмасиб турадиган кенг ареаллар – тупроқ геохимик бирликларни ҳосил қиласди. Ҳар бир тупроқ ареалида жуда мураккаб экологик омиллар, яъни атмосфера намлиги тупрок юзасининг емирилиши, органик қолдиқларнинг минерализацияланиши, тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг бойлиги (кўплиги) уларнинг механик таркиби, тупроқнинг ҳосил бўлган ёши, типлари каби хислатлар ва уларнинг бир-бирига таъсир қилиш қонунлари ётади.

Тупроқ қатлами мустақил Ер қобиги (педосфера) дан иборат. Тупроқ бу ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг тоғ жинсларн ва иқлим билан ҳамжихатлиқда ҳосил бўлган маҳсулотdir. Тупроқ - биокос жисм (тана), у бир вақтнинг ўзида ҳам тирик, ҳам ўлик (ноорганик) моддалардан (сув, ҳаво ва органик қолдиқлардан) ташкил топган бўлади.

Тупроқнинг ҳамма физиковий ва кимёвий хусусиятларининг йигиндиси ва уларнинг тирик организмларга таъсир қилиши ефадик омилларга (намлик, ҳарорат, газ, минерал, органик моддалар ва ҳ.к.) киради. Улар тупроқ билан боғланган организмлар учун муҳим аҳамиятга егадир. Тупроқ қатлами доим табиатнинг табиий кучлари таъсирида ювилади, парчаланади, емирилади ва ҳосил бўлади.

Тупроқ қатлами, юмшоқми, лойми бари бир тирик организмларга ҳаёт муҳити ҳисобланади.

Биосфера ва ноопганик дунё ўртасидаги тириклик учун

опганизмларнинг ҳаёт фаолиятига зарур бўлган минерал моддаларни алмасиб туриши тупроқда юзага келади. Барглар, шохлар, ўт ўсимликлар, ўлган ҳайвонлар тупроққа қайтадилар, у ерда чириб ўзларидағи минерал моддаларни тупроққа чиқарадилар, қайтарадилар. Тупроқ юзасига тушган органик моддалар (ўсимлик, ҳайвонлар) қолдигининг турли физикавий ва кимёвий парчаланишига тупроқ микроорганизмлари сабаб бўлади ва тупроқни минерал ҳамда органик моддалар билан бойитади, уларнинг тупроқдаги миқдори турғунлигини таъминлайди. Ер юзида ҳосил бўлган тупроқнинг динамик ҳолати сақланиб туради.

Тупроқнинг хислатлари иқлим, тоғ жинслари, ўсимликларнинг оз-кўплиги жойнинг рельефи каби омилллр билан аниқланади, жинсларнинг парчаланиши ва улардан органик материалларнинг тупроққа ўтиши иссиқ ва намли иқлим зоналарида тез бўлади. Лекин, тупроқнинг таркиби ва хислатларига материк жинсларнинг таъсири намликтининг, ҳарораттинг ортиши билан камайиб боради.

Ер юзининг қурғоқ раёнларида тоғ жинсларининг кимёвий емирилиши жуда секин ўтади. Ўсимликларнинг маҳсулдорлиги ҳам жуда паст бўлади ва оз миқдорда органик детрит тупроққа ўтади. Қурғоқ зоналарда тупроқнинг фойдали қатлами унчалик калин емас. Жинсларнинг емирилиши нам тропик зоналарда юқори даражада бўлиб, материк зоналарнинг ўзгариши 6 м чуқурликкача бўлиб ўтади, мўътадил зонада тупроқ қатлами 1м қалинлик атрофида.

Кейинги маълумотлар бўйича тупроқ, қатламлари (горизонти) 5 турга бўлинади, яъни: 1) **Ўлик органик қатlam** (ўсимлик барги, шохи, тупроқ организмлар тарқалган қатлам); 2) **Гумус қатlam**- чириган органик материал, минерал компонентлар билан аралашган; 3) **Минерал ионлар ювилиб кетадиган қатlam**. Бу қатламда ўсимликлар илдизлари жойлашган. Бу ердаги минерал моддалар сувда ериган ва ўсимликларни қабул қилишга қулай ҳллда бўлади; 4) **Кам органик материал тутувчи қатlam**. Бу қатламда устки қатламидан ювилиб тушган ионлар тўпланиши мумкин; 5) **Енг пастки, кам емириладиган қатlam** бўлиб, ўлик материк жинсларга ўхшаб кетади.

Тупроқнинг пастки қатламлариға иқлим таъсири килмайди, балки пастки ўлик материк жинсларнинг таъсири кучайиб боради. Ундаги минерал моддаларнинг устки қатламидан пастга ёки пастдан баландга (\leftrightarrow) ҳаракат қилиб туриши тупроқ ҳосил бўлишидаги жараённи мураккаблаштиради.

Тоғ жинслари кўп марталаб паст ҳароратда музлайди. Унинг ёриклирида ҳосил бўлган музлар ерийди. Вақт ўтиши билан тоғ жинси сув, шамол, ёруғик, ҳарорат каби экологик омиллар таъсирида емирилади ва аста-секин тупроқ ҳосил бўлади.

ВИ. Тупроқнинг табиий тузилишининг экологик моҳияти

Тупроқнинг физикавий хусусиятлариға унинг механик таркиби, заррачаларнинг катта-кичиклиги, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги, ҳаво алмашиниши, ёруғликнинг йўқлиги, ҳаракатнинг оз амплитудада ўзгариши киради. Тупроқнинг асосий кўрсаткичлариға унинг механик таркиби, яъни ҳар хил катталиқдаги заррачаларнинг нисбий миқдори ифодаланади.

Тупроқнинг тузилишида, уни ҳосил қилувчи заррачалар катта аҳамиятга егадир. Тупроқ компонентлари тубандагича фарқланади:

- а) катта заррачали қум - 0,2-2,0 мм
- б) майда заррачали қум - 0,2 мм-20 мк
- в) қумтупроқ – 2-20 мк
- г) минерал коллоидлар
- д) 2 мм дан катта компонентлар (шагал).

Тупроқнинг физикавий тузилиши катта аҳамиятга егадир. Тупроқ заррачали бўлса, унинг тузилиши яхши, унда намлик, ҳаво яхши сақланади; майда заррачали тупроқقا намлик ва ҳавонинг ўтиши қийин бўлади, чунки ғоваклиги кам заррачалар бир-бирига зич туради. Одатда тупроқнинг зичлиги 2,4-2,5 г /см² га teng.

Тупроқнинг тузилиши (массасининг ҳажми) ҳар хилдир. Жумладан, табиий шароитда қуруқ тупроқнинг ҳажми 0,9 дан 1,8 г /см² га teng. Майда қум-тупроқда ғоваклари кам тупроқларнинг зичлиги юқори бўлади. Ҳайдалган қишлоқ хўжалик ерларидаги қумоқ тупроқларнинг зичлиги 1,0-1,2 г/см³ бўлса, қишлоқ, хўжалик техникалари юриши натижасида тупроқнинг

зичлиги 1,35-1,55 г/см³ гача күтарилади ва унинг екологик моҳияти пасаяди. Тупроқ қуруқ ҳолида зичланса, заррачалар майдалашади, ғоваклар кичрайди ва камаяди, сувнинг ўтиши қийинлашади, ҳаво кам бўлади.

2. Оғир органик бирикмалар билан заарланиши; нефи ва нефт маҳсулотлари билан заарланиш.

Қуйқумлар кимё ва нефт кимёси корхоналарининг енг кенг таркалган чикиндилари туркумига киради. Нефт қуйқумлари нефтни қайта ишлаш чоғида дастлабки нефтда мавжуд бўлган қаттиқ аралашмалар ҳисобига ҳосил бўлади. Бир тонна қайта ишланадиган нефтдан чикадиган қуйқумлар 7-10 килограммни ташкил етади. Корхоналарнинг жами қуйкум тўплагичларида 5 млн. тоннадан зиёд нефт қуйкуми тўпланган. Қуйқумларда тўпланган 10-56% (мас.) нефт маҳсулотлари, 30-85% (мас.) сув ҳамда 13-46% (мас.) қаттиқ аралашмалар мавжуд. Бундай чикиндилар қуйкум тўплагичларда сақланганда катланиб, юқори қатлам (нефт маҳсулотларининг сувдаги емулсияси), ўрта қатлам (нефт маҳсулотлари ва муаллақ зарралар билан ифлосланган сув) ва қуий қатлам (нефт маҳсулотлари шимилган қаттиқ фаза) ҳосил бўлади.

Нефт ва нефт маҳсулотлари билан заарланган тупроқ таркибидаги ҳамма абиотик ва биотик жараёнлар аниқланади. Табиий нефт ва нефт маҳсулотлар билан юқори даражада ифлосланган тупроқ ўзини-ўзи тозаланиш жараёни жуда секин боради. Тупроқнинг нефт маҳсулотлари билан ифлосланган даражасига ва микроорганизмлар учун ривожланиш муҳитига қараб, 3 ҳафтадан 2000 ҳафтагача давом етади, улар CO₂ ва X₂O гача парчалайди.

Микроорганизмларни оксидловчилик даражасининг пасайиши нефт ва унинг маҳсулотлариги қараб қўйдагича камайиб боради:

Алифатик>ароматик>смола>асфалтли (деярли окисидланмайди).

Нефт ва унинг таркибидаги асосий компоненти тўғри занжирили углеводородлар бошқаларига нисбатан кўпироқ парчаланади, яъни C-12 дан C-22 гача бўлган н-парафинлар 1-2 ойда 10-90% гача утилизация бўлади. Кўпкина микроорганизмлар занжирида 9 та атомдан кам бўлмаган н-

алканларни ассимиляцияланмайди. *Флавобастериум*, *Миссобастериум*, *Носардия* туркум бактериялари оксидлаш қобилиятига ега.

Нефт ва нефт маҳсулотларни тупроқ таркибидаги биодеградация тезлиги ҳароратга боғлиқ бўлади. Углеводородларни биодеградацияси учун мақбул ҳарорат 30-40 °С бўлиб, шунда микроорганизлар углеводородларни оксидлаш қобилиятига ега бўлади. Ўзун занжирли углеводородлар утилизацияси учун микроорганизларга ҳарорат 25 °С дан паст бўлмаслиги, намлик даражаси esa 50-80 % бўлиши керак. Углеводородларни оксидлашда микроорганизмлар аероб шароитда амалга ошади. Нефт углеводородларни тўлиқ қайтаришда кислород фақат қайтарувчи емас микроорганизларни озиқа манбаси бўлиб ҳам хизмат қиласди.

3. Кимёвий моддалар ва пестицидлар билан заарланиш, утилизация, қайта тиклаш, биоремидация.

Биодеградация – табиий манбалар тупроқ ва сув таркибидаги сирти фаол бирикмаларни тозалашдан иборат. Ҳамма сирти фаол бирикмалар асосан 3 гурухга бўлинади. Биринчи гурухга енгил оксидланадиган ёки биологик юмшоқ анионли сирти фаол бирималар: алкилсуlfат ва хлорсуlfаноллар. Бу бирикмаларни микроорганизмлар енгил оксидлайди.


Аеротенк тупроқни ёзда 1 ой давомида, қишида 3-4 ой 80 % гача парчалаб тозалаб туради. Ҳозирги вактда сирти фаол бирикмаларни биологик суюқликга айлантиради.

Трансформация ва сирти фаол бирикмалар анионаларни тупроқда детоксикация жараёнини *Псеудомонас* ва *Басилус* турким бактериялари бошқаради, детергент ва углеродни ягона манбасини кўникувчанлигини оширад. Сирти фаол бирикмаларни *Хантомонас*, *Миссобастериум*, *Носардия*, *Ахромобастер* туркум бактериялар фаол деструкторлардир.

Сирти фаол бирикмалар биоокиследлови ионоген алкил занжиридаги металли гурухи тезликда анионлар – суlfатли ёки суlfон гурухи билан бошлайди. Ундан кейин асосий қаторни ён занжиридаги Р-оксидланиш натижада парчаланади. Шу вактда сирти фаол бирикмаларни тўғри асосий

занжирда ўзилмасдан, алкин занжиридаги жуфт сон атомлари билан оксидлаш тез бошланади, тоқ углерод атомларига ва тармоқланган занжирга нисбатан. Ўзунлиги С-5 занжиридан ортган занжир енгил оксидланувчи ва мустаҳкам бирикмалар ҳисобланади.

Сирти фаол бирикмаларни алкил занжиридаги биологик қулайлиги бирдан тўртинчи углерод атомида ёки тасодиф бензол ҳалқасидан ўзилиш содир бўлади:



Пестицидларни парчаланиши

Кимёвий хусусияти ва биологик қобулияти бўйича пестицидлар – органик ксенобиотикдир, молекулар тузилиши турлича фрагментлардан иборат, биологик бирикмаларга ўхшамаган одатдан ташқари тузилишга ега.


Гетеротроф микроорганизларга тегишли бўлмаган пестицидлар табиий бирикмалар туркимиға кирмаган доминантлик ролини ўйнайди.

Пестицидлар метаболизмга тайёрлаш мураккаб. Биринчи босқичда ксенбиотиклар фрагментларга парчаланиш реаксиясидан ташқари, кўп учрайдиган оксидланиши ҳам мумкин.


Пестицидлар, гидролизланиш натижасида бошлонғич парчаланиш жараёни амалга ошади (амид ёки ефирли гидролизланиши репксияси), табиий шароитда нисбатан тезроқ парчаланади. Пестицидлар мустаҳкам молекула бўлса ҳам, деалкиллиш ва дегалогенли парчаланиши осон кечади. Кўпкина пестицидлар молекуласида хлор атоми ароматик ёки алифатик углерод атоми билан боғланган бўлади, шу сабабли хлорни молекуладан ажралиш метаболизими, пестицидларни парчаланишини осонлаштиради.

Феноксиалкилкарбон кислотани кўпкина микроорганизмлар ёрдамида парчаланиши мумкин. Хлорфеноксиалкилкарбон кислота молекуласининг ферментатив оксидланиш нуқтаси қуйидагича бўлади: 1. алифатик занжирдаги метил-гуруҳи, (2, 3-окисигуруҳ-метилен-гуруҳ, 3, ефир-боғлари, 4, ҳалқадаги гидрокс-гуруҳ ўзилиши, 5, хлорни оксидланиши, 6, ҳалқадан


ажралиши, 7, естеразадаги гидрокси-гурух) ўзилиши.




4-хлорфеноксиуксусна кислота бактериялар иштироқида парчаланганда 2-гидрокси-4-хлорфеноксиуксусна кислота ҳосил бўлади, кейин ўз навбатида 4-хлорпирокатехин ва ароматик халқага парчаланади:



CX_3COOX ни қайтарилиш жараёнида гликол кислота қайтарилиб $\text{CX}_2\text{OХCOOX}$ ажралиб чиқиши билан оксидланиб еркин глиоксил кислота ҳосил бўлади. Феноксиуксус кислота парчаланишда тупроқ микроорганизлари пп. *Nosardia*, *Pseudomonas* ва *Mycroccus* иштирок етади. Биринчи босқичда феноллар ҳосил бўлади:




Ен занжирдаги β -окисидланиши йўли билан $\text{C}_6\text{-феноксиалкилкарбон кислота}$ метаболизацлашади:



$\text{C}_6\text{-феноксиалкилкарбон кислота}$ молекуласидаги $\text{CX}-\text{CO}$ ефир боғлар ўзилиши *Флавобастериум* сп. бактерия ёрдамида амалга ошади.

2,4-Дихлорфеноксиуксусна кислота Б,4-Д) боғлар ўзилиши пп. *Флавобастериум* и *Ахромобостер* бактериялар ёрдамида амалга ошади, 2,4-дихлорфенол ва 3,5-дихлорпирокатехин ҳосил бўлиши билан якунланади. Анаероб шароитда п. *Слостридиум* бактерия ёрдамида 2,4-Д парчаланади.

Аероб шароитда штаммом *Носардиоидес симплекс* ЗЕ 2,4-Д ацетат гурухини парчаланиб, ароматик халқа елимирланиш бошланиб гидроксилланиш, хлорланиш амалга ошади:



Ген инженерия усули билан олинган микроорганизлар, 2,4-Д ва 2,4,5-Т ларни самарали парчалайди.

Назорат саволлари:

- 1.Чиқинди сувларни биологик тозалаш тизимларида Беггиатоа ва Тхиотхрих олтингугурт бактериялари тозалаш сифатининг кўрсаткичидир.
- 2.Бактериялар учун ишлатилиши қийин бўлган ПАХларнинг асослари
- 3.Дунё ҳамжамиятида экологик муаммолар.
- 4.Мамлакатимиз миқёсида экологик муаммолар ва экологик стандартлар.
- 5.Мамлакатимизда экологик стандартлар.
- 6.Чиқинди сувлар ифлосланишининг оксидланишида катта рол ўйнайди микроорганизлар.
- 7.Микроорганизмлар учун ёғ фракцияларини қайта ишлаш енг қийинларига мисоллар келтиринг.
- 8.Азотни диазотроф микроорганизмлар билан бириктириш қандай амалга ошади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Кузнецов А. Е., Градова Н. Б. Научные основы екобиотехнологии студентов. - М: Мир. - 2006. - 504 с.
- 2.Сатторов Ж.С. Ноананавий ўғитлар олиш ва қўллаш бўйича фермерлар учун қўлланма. «Сайдана-принт» МСҲЖ. – Тошкент. - 2016. - 85 с.

IV.Амалий машғулотлар учун материаллар, топшириқлар ва уларни бажариш бўйича тавсиялар

1-амалий машғулот: Экологик биотехнологиянинг янги ривожланаётган соҳалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳақида.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қўра, ҳозирги вақтда дунёда деярли ҳар тўққиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминалар этишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда.

“Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби экани, натижада атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ер ости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли эмаслиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар”dir.

Дунё аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби экани, натижада атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ер ости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган

инвестицияларнинг етарли эмаслиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар”дир.

Экологик биотехнология фани ва амалий биотехнология биологик билимлар, кимё, геокимё, экология, тупроқшунослик, гидробиология, микробиология, биохимия ва физиология, популяцион генетика, мұхандислик-технологиясини тартиблаш каби бир неча соҳалар билан таққосланғанда фаннинг янги йўналиши ҳисобланади.

Экологик биотехнологиянинг энг муҳим йўналишларидан бири атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асосида тирик организмлар ва тизимларини чиқиндларини қайта ишлаш, табиий муҳитни техноген ифлосланишлардан тозалаш, тупроқни қайта тиклаш, қишлоқ хўжалигига инсон ютуқларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги йўналишида кимёвий препаратлар ўрнини экологик тоза биологик йўриқномалар билан алмаштириш, “экологик дўстлик” полимерларини, ПАВ ва бошқа фойдали хоссаларга эга материал ва бирикмаларни олиш ва модификациялаш, шунингдек, биокоррозияни олдини олишдан иборат.

Бутун жаҳон миқёсида барча қазилма энергия манбалари заҳиралари камайиб кетмоқда. Ҳатто яқин йигирма йил мобайнида уларнинг тугаши ҳавфи бор. Шу борада олимлар мұқобил қайта тикланувчи энергия манбаларига катта аҳамият бериб, уларни амалиётга тадбиқ этмоқда.

Топшириқ

1. Мұқобил энергия манбаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳақида мустақил маълумотлар йигиши.
2. Дунё амалиётидаги ишлаб чиқаришдаги иккиламчи ва қолдиқ маҳсулотлар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг инновацион технологиялари. тўғрисида хulosалар тайёрлаш.

Тестлар

№	Саволлар	Тұғри жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб
1	Антропоген фаоллик натижасыда пайдо бўлган, биотик жараёнларнинг бузилишига олиб келадиган тирик организмларга бегона моддалар:	ксенобиотик	токсикант	ифлослантирувчи	ифлослантирувчи
2	Организмларнинг таъсири остида модданинг тузилишини сезиларли даражада ўзгартириш (кўпинча соддалаштириш):	трансформация	биоремедиация	конжугация	минерализация
3	Токсик бўлмаган ёки кам токсик хенобиотикни токсик бирикмага айлантириш:	токсификация	зараарсизлантириш	изомеризация	зараарсизлантириш
4	Турли хил бирикмаларнинг биотрансформация га кириш қобилияти:	биоқурайлик	оксидланиш	зараарсизлантириш	тиглаш

Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва оқова сувларни тозалаш

Кучли спиртли ичимликлар деб таркибида куп миқдорда этил спирта бор ичимликларга айтилади. Уларга спирт, ароқ, ликер-ароқ маҳсулотлари, узум винолари, коньяк, ром, виски каби ичимликлар киради. Буларнинг ҳар бири ҳар хил хом ашёлардан ўзига хос технологик жараёнлар асосида ишлаб чиқарилади.

Этил спиртини ишлаб чиқаришнинг моҳияти қанд моддаларининг маҳсус ачитқилар таъсирида бижғитиб спирт ҳосил қилишига асослангандир. Ишлаб чиқарилаётган этил спиртининг маълум қисми халқ хўжалигининг турли тармоқдарида, маълум қисми эса ароқ, ликер-ароқ маҳсулотлари ва узум винолари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Тозаланганлик даражасига қараб этил спирти уч навга бўлинади: экстра, юқори даражада тозаланган ва биринчи нав. Этил спиртининг экстра нави таркибида 96,5%, юқори даражада тозаланган навида 96,2%, биринчи навида эса 96% ҳажм миқдорида спирт бўлади.

Спиртларнинг тозаланганлик даражасини белгилайдиган асосий физик-кимёвий кўрсаткичлар альдегидар, сивуш мойлари ва эфирлар миқдори ҳисобланади.

Органолептик кўрсаткичлари жихатидан этил спиртининг ҳамма турлари рангсиз, тиник бегона заррчаларсиз, ҳиди ва таъми эса тозаланган этил спиртига мос бўлиши керак.

Спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришда ачитқи штамлари *C. cerevisiae*, *C. carlsbergensis* и *C. diastatisus* қўлланилади. Ачитқи *C. cerevisiae* глюкоза, фруктоза, малтоза ва малтотриозагача ўстирса, декстринларни оддий сахарозагача *C. diastatisus* парчаласа, ачитқи декстринни Клуйверомисес фрагилис и *K. Lactis* эса лактозагача парчалайди. Йирик спирт ишлаб чиқариш корхоналари спиртларни олиш учун қипиқларни ачитишда ачитқилар спирт ҳосил қилиш унумига қараб маҳсус шароитларда этиштирилади.


Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш. Ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олишда

Озуқавий ёғлар инсон рациони учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Аввало ёғлар инсонлар учун энергия манбаи бўлиб хизмат қиласи. Инсон кундалик ҳаёт фаолиятида сарф


қиласынан энергияның қарийб учдан бир қисмини ёғлар хисобига олади. 1 грамм ёғнинг энергия бериш қобилияти 37,7 кЖни ташкил этади.

Ёғлар юқори молекулалы ёғ кислоталарининг уч атомли спиртлар (глицерин) билан ҳосил қилган мураккаб эфирлари дидир. Шу сабабли бундай тузилган ёғлар триглецирдлар деб ҳам аталади.

Ёғ кислоталарнинг глицеринли эфири табиатда, глицериннинг түлиқ эфирлари учрайди, яъни глицеридлар, қаттиқ триацилглициреллар бир хил кислоталарнинг қолдиқларини, аралашмасини ҳар хилини сақлашадилар.



Triolein



α -Oleo- β -palmito- α' -stearin

Битта организмнинг ҳар хил органларидан ажратиб олинган триацилглициреллар таркиби бўйича бир-биридан анча фарқланади. Хусусан, тери остидаги ёғ клетчаткасида кўпроқ тўйинган, жигарнинг ёғида эса тўйинмаган кислоталар бўлади.

Тирик хужайраларнинг асосий компонентларидан бири хисобланган, ёғ деб аталувчи бирикмалар ўсимликлар дунёсида ҳам кенг тарқалгандир. Кўпчилик ҳолларда ўсимлик маҳсулотларида ёғларнинг миқдори унча юқори эмас.

Топшириқ

1. Алькоголли ва алкогиз ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш ҳақида мустақил маълумотлар йиғиш ва хulosалар тайёрлаш.

2. Консерваланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш ҳақида мустақил маълумотлар йиғиш ва хulosалар тайёрлаш.

3. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш ҳақида мустақил маълумотлар йиғиш ва хulosалар тайёрлаш.

4. Ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қолдиқ маҳсулотлари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш ҳақида мустақил маълумотлар йиғиш ва хуносалар тайёрлаш.

Тестлар

№	Саволлар	Тўғри жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб
1	Анаероб шароитида кўплаб ксенобитикларни нг парчаланишининг якуний маҳсулотлари:	метан ва карбонат ангидрид	алканлар ва карбонат ангидрид	водород ва карбонат ангидрид	кислород ва етан
2	Ҳосил бўлган фаол массаси кичик ил, аралаштириш учун кам енергия сарфи, енергия ташувчиси бу жараёнда биогаз шаклида ҳосил бўлади:	чиқинди сувни анаеробик тозалаш	аеробик чиқинди сувларни тозалаш ичida	биопондлар да чиқинди сувларни тозалаш	алгобактери ал ҳамжамиятн и қўллаш

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

- Неверова О.А., Гореликова Г.А., Позняковский В. М. Пищевая биотехнология продуктов из сырья растительного происхождения - Новосибирск: Сиб. унив. изд-во, 2018. - 415 с.
- Кузнецов А. Е., Градова Н. Б. Научные основы экобиотехнологии / студентов. - М: Мир, 2016. - 504 с.
- Экологическая биотехнология: учеб. Пособие / Трошкова Г. П., Емельянова Е. К., Карабинцева Н. О. - Новосибирск: Сибмединвест НГМУ, 2011. - 144 с.

2-Амалий машғулот: Қишлоқ хўжалик қолдиқ маҳсулотларини қайта ишлаш орқали биогаз олиш.

Қишлоқ хўжалик ўсимлик қолдиқларининг чиришда тупроқдаги қуртқумурсқалар, хусусан чуволчанглар катта ахамиятга эгадир. Ч. Дарвин айтишича, чуволчанглар ўзларидан чиқарган ишқорий муҳитли суюқликлари билан тупроқда чириган ва ярим чириган ҳолдаги майда органик қолдиқларга таъсир этиб, уларни ўзгартади. Булардан ташқари тупроқда яшовчи ҳар хил кемиручилар ҳам йирик чириндиларни майдалаб, уларнинг чиришнга ёрдам беради ва органик қолдиқларга айлантиради. Аммо, тупроқдаги органик қолдиқларнинг ўзгариши натижасида яна қайтадан мураккаб таркибли органик бирикма - гумус синтезланишга сабаб бўлувчи асосий фактор, микроорганизм, бактерия ва замбуруғлар таъсирида кечадиган биокимёвий жараёндир.

Бу хилдаги кимёвий ва биокимёвий реакциялар натижасида тўққунғиртусли бирикма ҳосил бўлади. У кўринишидан гумусга ўхшаш бўлса ҳам, ҳақиқий гумус бўлаолмайди, чунки гумус маҳсус органик модда бўлиб, у биокимёвий жараён натижасида бўлади.

Тупроқнинг устки ва ички қисмида тўпланган қолдиқларнинг қўп қисми ўсимлик қолдиқларидан иборат органик моддалар сув ва ҳаво таъсирида маълум шароитда, икки хил ўзгаришга учрайди. Дастребки ўзгариш натижасида CO_2 , H_2O , NH_3 сингари минерал бирикмалар пайдо бўлади, бунга минерализация дейилади. Кейинчалик эса гумификация жараёни натижасида мураккаб органик модда гумус (гумус лотинча ер маъносини ифода этувчи ҳумус сўзидан келиб чиққандир) вужудга келади. Бу жараёнларда ўсимлик таркибида бўлган оқсидловчи энзим - суюқлик ҳам иштирок этади. Органик моддаларнинг бу хилдаги ўзгариши бир неча хил омиллар, биринчи навбатда микроорганизмлар таъсирида келиб чиқади.

Тупроқдаги органик қолдиқларнинг чириш жараёни муҳит шароитига кўра аэроб (кислородли) ва анаэроб (кислородсиз) характерда бўлади.

Қатламлари орасига ҳаво бемалол кирадиган структурали ва ғовак қавушмали тупроқларда органик қолдиқлар аэроб бактериялар таъсирида тез парчаланиб, ўсимликларга сингадиган озиқ бирикмалар пайдо бўлади, яъни минерализация жараёни тез боради. Сернам, ботқоқланган, структурасиз ва зич қовушмали тупроқлардаги органик қолдиқлар анаэроб бактериялар таъсирида чирийди. Бунда чириш процесси жуда секин боради ва CH_4 , PH_3 , X_2C , HX_3 , FeC , H_2 сингари оксидланмаган ва ўсимлик илдизларинн захарлайдиган бирикмалар пайдо бўлади.

Аэроб шароитидаги чириш жараёнлари маълум даражада иссиқлик пайдо бўлади, анаэроб шароитидаги чиришда эса сезиларлик даражада иссиқлик вужудга келмайди. Анаэроб шароитида тупроқнинг устки қатламида ярим чириган ёкн ҳеч чиrimаган маълум қалинликда органик қолдиқлар туплами - торф ҳосил бўлади. Торф фақат ботқоқ, тупроқлардагина бўлади.

Аэроб шароитидаги чириш процесси натижасидагнна янгидан синтезланган мураккаб органик модда, яъни тупроқ гумуси (чириндиси) пайдо бўлади. Шунинг учун тупроқдаги аэрация шароитиш диққат билан кузатиб, ерни ўз вақтида яхшилаб ишлаш, ботқоқларни қурутиш сингари агротехника ва агромелиорация тадбирларини қўллаш лозим. Бу чоралар тупроқ унумдорлигини оширади.

Органик қолдиқларни чиритувчи микроорганизмларнинг фаолияти ҳарорат ва намлик даражасига ҳамда тупроқдаги реакция бориш жараёнига қараб ўзгариб туради. Улар тирик организм бўлганганликлари учун маълум даражадаги ҳароратда ҳаёт кечираада.

Топшириқ

1. Қишлоқ хўжалик қолдиқ маҳсулотларини қайта ишлаш орқали биогаз олиш (қишлоқ хўжалик ҳайвонлари гүнги асосида) ва хулосалар тайёрлаш.

2. Халқ хўжалиги учун зарур бўлган иккиласми маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инновацион ёндашувларнинг амалий жиҳатлари ҳақида мустақил маълумотлар йиғиши.

3. Атроф мұхитни соғломлаштиришда мүқобил экобиотехнологиялардан амалий фойдаланиш имкониятлари хакида мустақил маълумотлар йиғиши ва хулосалар тайёрлаш.

Тестлар

№	Саволлар	Тұғри жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб
1	Бир қатор газсімон бирикмаларни ўзлаштирадын, кислородлы фотосинтезні амалга оширадын ягона прокарёт гурухы: CO_2 - фотосинтез пайтида, O_2 - нафас олиш пайтида, H_2 - азотни бириктириш пайтида, X_2C - оксигенік бўлмаган фотосинтез пайтида:	сиянобактериялар	диатомлар	яшил сув ўтлари	юқори ўсимликлар
2	Биосферанинг асосий елементи, ифлосланишни адсорбсия қилиш, зарарсизлантириш ва минераллаштиришга қодир, екотизимларни органик чиқиндилар ва қолдиклардан ўз-ўзини тозалашда мұхим рол ўйнайды.	тупроқ	сув	атмосферада	микробоцен оз

Қишлоқ хўжалик қолдиқ маҳсулотларини қайта ишлаш орқали биогумус тайёрлаш (барг, хазон, шох-шаббалар асосида). Шаҳар майиши ва қаттиқ чиқиндилари утилизацияси ва иккиламчи маҳсулотлар олиш.

Ўсимликлар атмосферадаги эркин азотни ва органик моддалар таркибидаги азотни ўзлаштира олмайды. Улар фақат минерал ҳолдаги азотли бирикмалардан: аммонли ва азотли тузлардан фойдаланади холос. Агар позол тупроқлар ҳайдалма қатламиининг бир гектарида 6000 кг азот бўлса, шундан

ўсимликлар ўзлаштира оладиган 1% ни ташкил этади. Бу азот экинлари бир марта ҳосил олиш учун ҳам етмайди.

Органик бирикмаларнинг парчаланишида микроорагнизмларнинг роли ниҳоятда катта. Микрооранизмлар хаёт жараёни натижасида органик моддларни парчалайди ва CO_2 , H_2O , NH_3 , HO_3 , С, П ва бошқа анорганик моддалар ҳосил қиласида, бу моддалар яна айланиш доирасига ўтади.

Табиатда азот захираси жуда кўп, ҳаво таркибининг 5 дан 4 қисмини азот ташкил этади.

Микроорганизмларнинг айримлари органик моддаларни парчалар, минерал моддалар ҳосил қиласида. Бу минерал моддаларни ўсимликлар ўзлаштиради, иккинчи томндан азотфиксаторлар ҳаводаги азотни ўзлаштириб ундан органик моддалар синтез бўлади. Шундай қилиб азот табиатда айланиб туради. Азотнинг табиатда айланишида аммонификация, нитрификация, денитрификация жараёнлари боради.

Ўсимлик ва ҳайвонлар қолдиқларида жуда кўп миқдорда органик моддалар бўлади. Уларнинг минерал моддаларга айланиши ўсимликларнинг азот билан озиқланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Оқсилларнинг чириши натижасида NH_3 ҳосил бўлгани учун бу жараён аммонификация дейилади. Аммонификация жараёни аэроб ва анаэроб шароитда бораверади. Лекин аэроб шароитида у тезлашади.

Оқсиллар парчалангандаги сув, карбонат ангидрид, аммиак, водород сульфид, метилмеркаптан кабилар ҳосил бўлади, В.Н.Шапошников кўрсатганидек оқсилларнинг парчаланиши икки йўл билан боради:

- 1) аминокислоталар бактерияларнинг танасини қуриш учун сарфланади;
- 2) аминокислоталардан углерод манбаи сифатида фойдаланилади.

Шаҳар оқова сув ҳавзаларни биологик сунъий равишда жарёни анча интенсив равишда амалга ошади. Катта ҳажмиги чиқинда оқова сувларни қисқа вақтда тозалаш имкониятини беради.

Ҳавзаларни сунъий йўл билан тозалаш усуллари қуйдагича яратиш мумкин:

- 1) аэробли шароитда, техник кислород ишлатилади;

2) анаэробли шароит;

3) аэробли, анаэробли шароитлар бир неча босқичлардан иборат.

Оқова сувларни биологик тозалашда сувни оқиш жараёни турига қараб аэробли ва анаэробли системаларга бўлинади.

Оқова сувларни аэробли қайта ишлаш давомида минералли чиқиндиларни оддий туз, газ ва сувгача юқори даражада минерализациялади. Бирмассани оқова сувларни чиқиндилардан тозалаш самарадорлиги миқдорига ва улар билан алоқа вақтига пропорционал бўлади.

Топшириқ

1. Қишлоқ хўжалик қолдик маҳсулотларини қайта ишлаш орқали атроф муҳитни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш табиий ресурсларидан оқилона ҳамда комплекс тарзда фойдаланиш имкониятлари ҳақида мустақил маълумотлар йиғиш ва хуносалар тайёрлаш.

2. Шаҳар майший ва қаттиқ чиқиндиларини утилизация қилиш орқали иккиласми маҳсулотлар олиш амалий жиҳатлари ҳақида мустақил маълумотлар йиғиш.

Назорат саволлари:

1. Кундалик турмушнинг майший-хўжалик чиқинди сувлари таркиби.

2. Ил ва сув ҳавзалар остидаги чўкма.

3. Оқова сувларни аэробли тозалаш

Тестлар

№	Саволлар	Тўғри жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб
1	Екотизимларда редукторлар;	бактериялар ва замбуруғлар	ўсимликлар ва ҳайвонлар	вируслар	детритус
2	чиқинди сувни биологик тозалашда азот ёрдамида сақланади	қамиш, тростник, рогоз	қишлоқ хўжалиги ўсимликлар и	буғдой ўти, кўк ўт	дуккакли екинлар

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1.Кузнецов А. Е., Градова Н. Б. Научные основы экобиотехнологии / студентов. - М: Мир. - 2006. - 504 с.

2. Сатторов Ж.С. Ноананавий ўғитлар олиш ва қўллаш бўйича фермерлар учун қўлланма. «Сайдана-принт» МЧЖ. – Тошкент. - 2016. - 85 с.

3. Экологическая биотехнология: учеб. Пособие / Трошкова Г.П., Емельянова Е.К., Карабинцева Н.О. – Новосибирск: Сибмединвест.

3-Амалий машғулот: Тупроқ таркибидаги микроорганизмлар сонини аниқлаш.

Тупроқ классификациясининг асосий таксономик бирлиги, тупроқшуносликнинг генетик асоси ҳисобланади. Бир хил генетик горизонтга, тупроқ жараёнларининг йиллик ва кўп йиллик ўзгаришлари ҳамда гидротермик режимлари ўхаш тупроқлар бир типга киритилади. Тупроқ типлари ўз навбатида каттароқ таксономик бирликка - **тупроқлар оиласига** бирлаштирилади. Бу бирлашиш асосида тупроқларнинг бир хил қатлами, кесими, органик, минерал моддаларнинг бир хил сифати, таркиби каби хислатлар ётади.

Дунё бўйича ва Еп шарининг турли зоналарида 23 та тупроқ оиласига аниқланган. Уларга нордон сепилдиз, альфегумус, қўнғир шўрхоқлар, кулранг каби тупроқ оиласиги киради.

Тупроқ генерациялари (яъни, тупроқнинг юзага келиши) ўз навбатида энг катта таксономик бирлик - тупроқ геохимик ассоциациясига бирлашади. Бу бирлик асосида тупроқ асосини ташкил қилувчи органик ва минерал моддаларнинг бир-бирлари билан умумий боғлиқлиги, бир-бирларига таъсири туради.

Тупроқ қатлами, юмшоқми, лойми бари бир тирик организмларга ҳаёт муҳити ҳисобланади.

Биосфера ва ноопганик дунё ўртасидаги тириклик учун опганизмларнинг ҳаёт фаолиятига зарур бўлган минерал моддаларни алмасиб туриши тупроқда юзага келади. Барглар, шохлар, ўт ўсимликлар, ўлган ҳайвонлар тупроққа қайтадилар, у ерда чириб ўзларидаги минерал

моддаларни тупроққа чиқарадилар, қайтарадилар. Тупроқ юзасига тушган органик моддалар (ўсимлик, ҳайвонлар) қолдигининг турли физикавий ва кимёвий парчаланишига тупроқ микроорганизмлари сабаб бўлади ва тупроқни минерал ҳамда органик моддалар билан бойитади, уларнинг тупроқдаги миқдори турғунлигини таъминлайди. Ер юзида ҳосил бўлган тупроқнинг динамик ҳолати сақланиб туради.

Тупроқнинг хислатлари иқлим, тоғ жинслари, ўсимликларнинг оз-кўплиги жойнинг рельефи каби омиллар билан аниқланади, жинсларнинг парчаланиши ва улардан органик материалларнинг тупроққа ўтиши иссиқ ва намли иқлим зоналарида тез бўлади. Лекин, тупроқнинг таркиби ва хислатларига материк жимсларнинг таъсири намликтининг, ҳароратнинг ортиши билан камайиб боради.

Кейинги маълумотлар бўйича тупроқ, қатламлари (горизонти) 5 турга бўлинади, яъни: 1) **Ўлик органик қатlam** (ўсимлик барги, шохи, тупроқ организмлар тарқалган қатlam); 2) **Гумус қатlam-** чириган органик материал, минерал компонентлар билан аралашган; 3) **Минерал ионлар ювилиб кетадиган қатlam.** Бу қатламда ўсимликлар илдизлари жойлашган. Бу ердаги минерал моддалар сувда эриган ва ўсимликларни қабул қилишга қулай ҳллда бўлади; 4) **Кам органик материал тутувчи қатlam.** Бу қатламда устки қатламидан ювилиб тушган ионлар тўпланиши мумкин; 5) **Энг пастки, кам емириладиган қатlam** бўлиб, ўлик материк жинсларга ўхшаб кетади.

Тупроқнинг пастки қатламларига иқлим таъсир килмайди, балки пастки ўлик материк жинсларнинг таъсири кучайиб боради. Ундаги минерал моддаларнинг устки қатламидан пастга ёки пастдан баландга (\leftrightarrow) ҳаракат қилиб туриши тупроқ ҳосил бўлишидаги жараённи мураккаблаштиради.

Тупроқнинг тузилиши (массасининг ҳажми) ҳар хилдир. Жумладан, табиий шароитда қуруқ тупроқнинг ҳажми 0,9 дан $1,8 \text{ г / см}^2$ га тенг. Майда қум-тупроқда ғоваклари кам тупроқларнинг зичлиги юқори бўлади. Ҳайдалган қишлоқ хўжалик ерларидаги қумоқ тупроқларнинг зичлиги 1,0-

1,2 г/см³ бўлса, қишлоқ, хўжалик техникалари юриши натижасида тупроқнинг зичлиги 1,35-1,55 г/см³ гача кўтарилади ва унинг экологик моҳияти пасаяди. Тупроқ қуруқ ҳолида зичланса, заррачалар майдалашади, ғоваклар кичраяди ва камаяди, сувнинг ўтиши қийинлашади, ҳаво кам бўлади.

Топшириқ

1. Тупроқ таркибидаги микроорганизмлар таҳлили. Уларнинг сонини аниқлаш ҳисоби ҳақида мустақил маълумотлар йиғиш ва холосалар тайёрлаш.
2. Микроскоп, микропипетка, тупроқ, соат ойналари, фенолда эритилган эритрозин бўёғи (карбол кислотаси), окуляр микрометр ҳақида мустақил маълумотлар йиғиш.

Тестлар

№	Саволлар	Тўғри жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб
1	Дараҳт ва бута турларининг мавжудлиги биоплатонга хосдир:	инфилтрация тузилиши	сирт дизайнни	сузувчи тузилиш	сирт тузилиши
2	Ҳаво сувлари жамоалари ва сувости ўсимликлари орқали сувнинг еркин ҳаракатланиши билан муҳандислик иншоатлари деб номланади.	сирт биоплатони	: инфилтрация биоплатони	сузувчи биоплато	ил платформалари

Азотсиз органик бирикмаларнинг микроорганизмлар томонидан ўзлаштирилиши.

Аммонификация жараёни ўсимлик ва ҳайвонлар қолдиқларида жуда кўп миқдорда органик моддалар бўлади. Уларнинг минерал моддаларга айланиши ўсимликларнинг азот билан озиқланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Оқсилиларнинг чириши натижасида НН₃ ҳосил бўлгани учун бу жараёни аммонификация дейилади. Аммонификация жараёни аэроб ва анаэроб

шароитда бораверади. Лекин аэроб шароитида у тезлашади.

Мочевинанинг парчаланиши. Мочевинани аммонификаторларнинг алоҳида гуруҳи уробактериялар парчалайди. Бу бактерияни 1862 йили Луи Пастер қашф этган. Уробактериялар мочевинани парчалаб, X_2O , CO_2 ва NH_3 ҳосил қиласди.



Уробактериал аэроб типда нафас олувчилик бўлиб, буларда уреаза ферменти бўлганлиги учун мочевинани парчалайди. Мочевинани парчалаб, аммоний тузлари ҳосил қилиш уробактериялар учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар мочевинадан на углерод, на азот манбаи сифатида фойдалана олмайди. Бу бактериялар аммоний тузларда органик кислоталарнинг тузларида яхши ривожаланади. Бу бактериялар юмалоқ ва узун таёқча шаклида бўлиши мумкин. Кўпчилиги спора ҳосил қиласди.

Уробасиллус пфстеурии йирик, ҳаракатчан, перетрих типда хивчанланган. Спора ҳосил қиласди. Спора ҳосил қилмайдиган Уробасиллус мидуеллини мисол қилиш мумкин.

Нитрификация жараёни. Аммонификация жараёнида ҳосил бўлган аммиакнинг бир қисми ўсимликлар томонидан ўзлаштирилса, оксидланади.

Нитрификация жараёнида иштирок этадиган. Бу жараён икки фазада боради:

Биринчи фазада Нитросомонас иштирок этади ва у NH_3 ни XNO_2 гача оксилайди: $2\text{NH}_3 + 3\text{O}_2 \rightarrow 2\text{XNO}_2 + 2\text{X}_2\text{O} + 658 \text{ кЖ}$.

Иккинчи фазада Нитбастер иштирок этади. У XNO_2 ни XNO_3 гача оксидлади. $2\text{XNO}_2 + \text{O}_2 \rightarrow \text{XNO}_3 + 180 \text{ кЖ}$.

Нитробактерия овал шаклидаги куртакланувчи бактерия бўлиб, ривожланиши циклида ҳаракатчанг босқични ҳам утади. Нитросомонас ва Нитбастер доим бирга учрайди, бирининг ҳосил қилган маҳсулотлар иккинчиси томонидан ўзлаштирилади. Бунга метабиоз дейилади.

Нитрификатор кимёвий энергия ҳисобига CO_2 ва H_2O дан органик моддалар синтезлайди. Энергияни NH_3 нинг XNO_2 гача ва XNO_2 нинг XNO_3 гача оксидланишидан олади, яъни хемосинтез жараёнини амалга оширади.

Нитрификаторлар органик модда синтезлаш учун яшил ўсимликлар сингари, CO_2 ни еки NaHCO_3 ни ўзлаштиради. Хемосинтезда фотосинтезга нисбатан оз микдорда органик модда синтезланади. Лекин хемосинтез жараёнининг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда ҳам органик моддалар синтезланиб, бошқа организмларнинг ўсиши учун замин тайёрланади. Денитрификация жараёни нитрификациянинг акси бўлиб, бунда боғланган азот яна атмосферага эркин ҳолда қайтади. Бу жараён бевосита ва билвосита бўлади. Бевосита денитрификацияда нитратлар денитрификацияловчи алоҳида бактерияларнинг ҳаёт фаолияти туфайли қайтарилса, билвосита денитрификацияда факат аминокислоталар билан нитрат кислота ўзаро таъсир этади.

Денитрификация натижасида тупроқдан маълум микдорда азот йўқалади. Ҳисоблашларга қараганда ҳар йили денитрификация натижасида тупроқдан 330 млн тонна азот чиқиб кетади. бунда бевосита денитрификацияга қараганда икки кўп азот ҳосил бўлади.

Денитрификация натижасида тупроқдан маълум микдорда азот йўқолади. Ҳисоблашларга қараганда ҳар йили денитрификация натижасида тупроқдан 330 млн тонна азот чиқиб кетади.

Топшириқ

1. Микроорганизмларнинг фойдали ва фойдасиз турларининг классификацияси ҳақида мустақил маълумотлар йиғиш ва хулосалар тайёрлаш.

2. Фойдасиз микроорганизмларнинг ҳаёт процессини ўрганиш ҳамда уларга қарши кураш чоралари ҳақида мустақил маълумотлар йиғиши.

Тестлар

№	Саволлар	Тўғри жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб	Алтернатив жавоб
1	Техник екинларни этиштириш учун бир вақтнинг ўзидаги фойдаланиш билан оқава сувларни тозалаш учун маҳсус	суғориладига н далалар	фильтр майдонлари	ил майдонлари	биопондлар

	тайёрланган ва режалаштирилган ейр участкалари				
2	Ўсимликларнинг илдиз тизими орқали тупроқдаги ва сувдаги токсикантларни сўриб олиш ва уларни ер усти органларига етказиш қобилиятига асосланган фиторемедиация технологияси;	фитоекстракт	фитодградация	фитобуғланиши	фитосекция

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Кузнецов А. Е., Градова Н. Б. Научные основы экобиотехнологии / студентов. - М: Мир. - 2006. - 504 с.
2. Сатторов Ж.С. Ноананавий ўғитлар олиш ва қўллаш бўйича фермерлар учун қўлланма. «Сайдана-принт» МЧЖ. – Тошкент. - 2016. - 85 с
3. Экологическая биотехнология: учеб. Пособие / Трошкова Г. П., Емельянова Е. К., Карабинцева Н. О. – Новосибирск: Сибмединвест НГМУ, 2011. – 144 с.

4-Амалий машғулот: Спиртли бижғиш ва бу жараёни қўзғатувчи тирик организмлар

Спиртли бижғиши микроорганизмлардан ачитқи замбуруғлари вужудга келтиради. Бунда углеводлар анаэроб шароитда этил спирт ва карбонат ангидрийга айланади.

Спиртли бижғища иштирок этадиган ачитиқлар факультатив анаэроблардир.

